**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК:1 (091)*

**САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА**

# Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент - 2010

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Фалсафа ва ижтимоий фикр тарихи бўлимида бажарилган.

**Илмий маслаҳатчи:** фалсафа фанлари доктори, профессор
**Раҳмонов Равшан Раҳмонович**

**Расмий оппонентлар:** фалсафа фанлари доктори, профессор
**Носиров Расул Носирович**

фалсафа фанлари доктори, профессор
**Бегматов Абдуллажон**

юридик фанлар доктори
**Ражабова Мавжуда Абдуллаевна**

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд давлат университети**

Ҳимоя 2010 йил «____»__________________куни соат _______да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети 215-хона.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, 16-уй.

Автореферат 2010 йил «____»___________да тарқатилди.

Авторефератга ёзилган тақризларингизни тамғали муҳр билан тасдиқланган ҳолда Бирлашган Ихтисослашган Кенгашнинг илмий котибига (Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети, 208-хона) юборишингизни сўраймиз.

**Бирлашган ихтисослашган**
**кенгаш илмий котиби фалсафа**
**фанлари доктори** **Ш.О.Мадаева**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** XX асрда зўравонлик, агрессия инсон борлиғининг барча жабҳаларига кириб борди. Терроризм зўравонлик ва вайронкорлик бўлибгина қолмасдан, балки уларнинг ўзига хос намоён бўлиши ҳамдир. Зеро цивилизациянинг нозик қобиғи остида баъзан вайронкорлик инстинкти яширинган бўлиб, у муайян шароитда ўзини намоён этиши мумкин. XX асрда содир бўлган иккита жаҳон уруши бунинг яққол мисоли бўлиб, оқибатда цивилизацияни вайрон қилиб, уни ҳалокат ёқасига олиб келди. Инсон фаолиятида воқеъ бўлаётган ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар жамиятнинг ўзини ўзи йўқ қилишига олиб келиши мумкин.

Шу маънода «мамлакатимизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш»[1]дек муҳим ва долзарб масала кун тартибига қўйилган. Терроризм тарихий жиҳатдан келиб чиққан дастлабки даврларданоқ ўз олдига қўйиган мақсад ва вазифалари, қўллаган кураш воситалари, ғоявий даъволари билан инсоният учун катта ижтимоий хавфга айланиш имкониятига эга бўлган ва маълум тарихий даврларда бундай имконият воқеликка айланиб келган. Лекин XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, терроризм бутунлай янги сифат даражасини касб этди ҳамда ўзида муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳолатни мужассамлаштирди. «Ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиладиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ,– деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. –Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатларига ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин»[2].

Шунингдек, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси соғлом ва бунёдкор ғояга жиддий эҳтиёж сезмоқда. «Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин»[3].

Хуллас, терроризмнинг ижтимоий-тарихий ва ғоявий илдизларини аниқламай туриб, унга қарши самарали кураш олиб бориш ғоят мураккаб муаммодир.

**Биринчидан,** муаммонинг долзарблиги мамлакатимиз фалсафий адабиётида террор ва терроризм моҳияти, вужудга келишининг ижтимоий-тарихий ва ғоявий илдизларининг таҳлилига оид умумлашма тадқиқотлар етарли даражада мавжуд эмаслиги билан асосланади.

**Иккинчидан,** терроризмнинг тарихий шакллари билан ҳозирги даврдаги кўринишлари ўртасидаги моҳиятан умумийлик ва фарқни қиёсий ўрганиш кўп жиҳатдан ана шу масаланинг чуқур тарихий-фалсафий таҳлили

---

[1] Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010.–Б. 18.

[2] Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч–қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –Б. 265.

[3]Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.–Б. 113.

билан боғлиқ методология бўлиб, у терроризмга қарши курашда тарихий-фалсафий тамойиллар зарурлигига алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади.

**Учинчидан,** терроризмни илмий ўрганиш узоқ даврлар (тоталитар тузумда) тақиқланиб келинди. Собиқ Иттифоқ даврида фақат Ғарб мамлакатлардаги терроризм тадқиқ этилиб, уларда мафкуравий жиҳатдан бир ёқлама ёндашув кузатилади. Бу муаммо тарихини фақат сиёсий сабабдан эмас, балки илмий сабабдан ҳам ўрганиш долзарб. Зеро терроризм сиёсий ривожланишгагина эмас, балки қўрқитиш, ваҳима ёрдамида жамият руҳиятига ҳам чуқур таъсир этиб келган ҳодиса сифатида ўрганилмаган.

**Тўртинчидан,** террор турли тарихий даврларда ўзига хос хилма-хил кўринишларда намоён бўлиб, дунё тарихида кўплаб аналогларга эга. Бугунги кунга келиб эса у янги-янги кўринишларда намоён бўлмоқда. Бинобарин, минглаб кишиларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлаётган бу феноменнинг таъсир этиш даражаси ва таснифини илмий таҳлиллар асосида аниқлаш муҳим фалсафий- назарий масалалардан бири.

**Бешинчидан,** инсон онги ва қалби учун кураш асосий масалага айланган бир вақтда тасаввуф аҳлининг сурат эмас, сийрат, яъни моҳиятни англашга интилиш тажрибасини ўрганиш ижтимоий ҳаётдаги кўр-кўрона тақлид, ғафлат каби иллатларга, мутаассиблик, экстремистик ва ақидапарастлик ғояларига қарши курашда муҳим илмий аҳамиятга эга.

**Олтинчидан,** маълумки, халқаро терроризм моҳияти таҳлилига бағишланган кўпгина тадқиқотларда ислом дини ниқоби остида содир бўлаётган террорчилик ҳаракати иштирокчилари «исломчилар», ҳаракатнинг ўзи эса ҳақиқий воқеликка ва мантиқий фикрга зид ҳолда «ислом террорчилиги» атамаси билан номланмоқда. Шунинг учун етарлича илмий адабиётларга суянган ҳолда, ушбу масалага аниқлик киритиш ва ислом ниқобидаги террорчиликнинг ғоявий ҳамда мафкуравий моҳиятини фалсафий таҳлил қилиш ушбу муаммонинг муҳим ва долзарб назарий масалаларидан биридир.

**Еттинчидан,** республикамиз фалсафа фанида Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида диний бағрикенглик ва халқлараро ҳамжиҳатлик ғоялари ҳамда амалиёти диний фундаментализм ва экстремизм билан ҳеч қачон муроса қилмаганлиги, уни ёт ҳамда зарарли ғоя сифатида рад этганлиги масаласи ҳанузгача фалсафий-илмий жиҳатдан етарли даражада таҳлил қилинмаган. Шу нуқтаи назардан ушбу масалани Қуръони карим, ҳадислар, мусулмон ҳуқуқи (фиқҳ), мутафаккирлар ва мутасаввифлар асарлари асосида теран ўрганиш зарурати келиб чиқади.

**Саккизинчидан,** Марказий Осиё мутасаввифлари маънавий мероси, уларнинг тинчликсеварлик, сулҳпарварлик, ҳаммага, шу жумладан бошқа динларга эътиқод қилувчиларга нисбатан ҳам бағрикенг бўлиш борасидаги қарашлари мутаассиблик, фанатизм ва фундаментализмга қарши курашда маънавий қурол бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кенг ва асосли таҳлил этиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган: «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат» тамойили терроризмга қарши маънавий ва мафкуравий курашнинг ўзига хос шакл ҳамда воситаларини

ишлаб чиқишни тақозо этди. Президент асарларида[1] кўрсатилган назарий ва амалий хулосалар муаммони тадқиқ этишда муҳим методологик аҳамият касб этди.

Ижтимоий-фалсафий фикрнинг бир қатор йирик намояндалари тадқиқотларида мавзу доирасида ўрганилаётган айрим масалаларга нисбатан методологик нуқтаи назардан ёндашувлар мавжуд. Терроризм тарихий-фалсафий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, шу соҳага яқин муаммолар (куч ишлатиш, агрессия, конфликт) маълум даражада таҳлил этилган адабиётларни мисол келтириш мумкин.

Терроризм Буюк француз инқилоби давридан[2] бошлаб илмий тадқиқот объектига айланган. Бу даврда Максимилиан Робеспьер[3] томонидан яратилган асарларда қўрқитиш ёрдамида ҳукмронлик қилиш фикри асосланган.

Куч ишлатиш, ваҳшийлик ва агрессия инсоннинг табиий инстинктларида мавжудлиги Аристотель[4], Гоббс[5], З.Фрейд[6], давлат назарияси доирасидаги ижтимоий беқарорлик муаммолари М. Вебер[7], А. Тойнби[8] турли цивилизациялардаги зиддиятларнинг сабаблари Хантингтон[9] асарларида ўз аксини топган.

Терроризм мафкураси, якка террорчи экзистенциал онгининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришда француз мутафаккири А. Камьюнинг[10] ижоди алоҳида аҳамиятга эга. Унинг асарлари ёрдамида тарихий қиёслаш методи асосида террорчилик ғояларининг генезиси ва уларни ҳеч бир вазиятда оқлаб бўлмаслиги ҳақида хулосага келиш мумкин. Немис психологи ва файласуфи Э.Фромм[11] тадқиқотларида турли хил ижтимоий ҳодисалар–уруш, инқилоб ва шу каби тўқнашувларда инсоннинг деструктивлиги намоён бўлиши таҳлил этилган.

Террорчилик билан боғлиқ қўрқувнинг физиологик жиҳатдан намоён бўлишини тадқиқ этишда К.Изард[12] қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, қўрқувнинг семантик элементлари, қўрқувнинг физиологик намоён бўлиши, унинг эмоционал тасаввурларнинг таркибий қисми эканлиги

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1–том. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –364 б.; Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 том. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –380 б.; Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 том. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.–429 б.; Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 том. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002.–432 б.; Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12 том. –Тошкент:Ўзбекистон, 2004. –400 б.; Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16 том. –Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-368 б.

[2] Манфред А.З. Три портрета эпохи Великой французской революции. 2-е изд. –М.: Мысль, 1989.–351 с.

[3] Робеспьер М. Революционная законность и правосудие. Статьи и речи. –М.; 1959.–210 с.

[4] Аристотель. Сочинение в 4–томах, т. IV, трактат «Политика».– М.: Мысль, 1983. –421 с.

[5] Гоббс Т. Левиофан.–М.: 1981.–435 с.; Гоббс Т. Левиофан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского // Соч. в 2–томах.Т.2 –М.: Мысль, 1991. –С.90–96.

[6] Фрейд З.Введение в психоанализ. Лекции. –М.: Наука, 1991.–456 с.

[7] Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма // Избранные произведения. –М.: 1978. –375 с.

[8] Тойнби А.Дж. Цивилизация перед судом истории.Сборник. –М.:Рудольф, 2002; Тойнби А.Дж. Постижение истории. –М.: Прогресс, 1991.–185 с.

[9] Хантингтон С. Столкновения цивилизации.–М.: АТС, 2004. –635 с.

[10] Камю А. Бунтуюший человек. Философия. Политика. Искусство. / Пер. с фр. –М.: Политиздат, 1990–247 с.

[11] Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. –М.: Республика, 1994.–447 с.;Фромм Э. Психоанализ и религия // Сумерки богов / Сост. и общ. Ред. А.А.Яковлева: Перевод.–М.: Политиздат, 1990.–200 с.

[12] Изард К.Е. Психология эмоции.–СПб.: Питер, 2000. –293 с.

Е. Бутенко[1] томонидан, «терроризм» атамасининг семиотик-тизимли хусусиятлари И.Архипова[2] томонидан қиёсий лингивистика фани доирасида тадқиқ этилган.

Терроризмни сиёсий кураш усули сифатида назарий жиҳатдан асослашга уринишлар XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. Зеро, бундай асослаш муаллифлари инқилобий ҳаракатларга бевосита алоқадор шахслар–Н.А. Морозов, С.М. Степняк-Кравчинский, В.И. Ленин[3] ва бошқалар бўлишган. Янги тоифадаги революционерларнинг шаклланишида «ахлоқий бардошлилик» тамойили лоқайдликка олиб келганлиги ва террорга асосланган улуғ инқилобий ғоялар кишиларни ахлоқий жиҳатдан ногирон қилганлиги О.В. Будницкий, В.Е. Петрищев, Л.Г. Прайсман, А. Гейфман, А. Улам ва Д. Хардилар[4] асарларида тарихий далиллар ёрдамида очиб берилган.

Терроризмнинг турли кўринишда намоён бўлиши, сўл терроризм В.В.Витюк, С.А.Эфиров[5], ўнг терроризм эса Р.Клайн[6] ва С.Френсис [7], қизил террор С. Мельгунов[8], тоталитар тузум қатағонлари Р.Шамсиддинов[9], Ш.Мадаеваларнинг[10] изланишларида ўз аксини топган. Шунингдек, терроризмнинг партизанлар уруши билан алоқадорлиги ва бошқа номутаносиб қуролли тўқнашувлар контекстида Х. Мюнклер, А. Шмид,

---

[1] Бутенко Е. Концепт «страх» в русской религиозной философии // Вопросы экономики и права: Сб. статей аспирантов и соискателей. / Отв. ред. В.Ю. Наливайский. –Ростов н/Д: РГЭУ «РИНХ», 2006. –Вып. 4.– С.146-153. Бутенко Е. Концептуализация понятия «страх» в немецкой и русской лингвокультуре. Автореф. Дисс… канд. филл.наук.– Тверь, 2006.– 16 с.

[2] Архипова И. Экстра и интралингвистические особенности формирования и развития немецкого подъязыка служб безопасности на материале терминологии терроризма и наркобизнеса. Автореф. дисс… канд. филл.наук.–Омск, 2006.–21 с.

[3] Морозов Н.А. Террористическая борьба.– Лондон: 1880.–76 с.; Степняк–Кравчинский С.М. Грозовая туча России: Смерть за смерть. Подпольная Россия. –М.: Новый ключ, 2001.С. 76–96.; Ленин В.И. Проект резолюции о терроре (Проекты резолюций ко II съезду РСДРП) // В.И. Ленин. ПСС Т.7 – М.: 1972; Ленин В.И. Партизанская война // В.И. Ленин. ПСС. Т.14 – М.: 1972.

[4] Будницкий О. В. История терроризма в России в документах, биографиях, исследованиях. - Ростов н/Д, Феникс, 1998.–576 с; Терроризм в российском освободительном движении: идеология, этика, психология (вторая половина XIX–начала XX в.)–М.: "Российская политическая энциклопедия" (РОССПЭН), 2000. - 399 с; Петрищев В.Е. Заметки о терроризма.–М.: Едиториал УРСС,2001.–288 с; Прайсман Л. Г. Террористы и революционеры, охранники и провокаторы.–М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2001. – 432 с.; Geifman Anna. Thou shalt kill Revolutionery terrorism in Russia, 1894 - 1917. Princeton (N.J.): Prinston univ. press, Cop. 1993 XII, 376 pp.; Ulam A. In the Name of the People: Prophets and Conspirators in Prerevolutionary Russia. N.Y., 1977. XIII. 418 p.; Hardy D. Land and Freedom: The Origin of Russia Terrorism, 1876–1879. Westport, Conn., 1987. XIII, 212 p.

[5] Витюк В.В. Под чужим знаменем: лицемерие и самообман «левого» терроризма.–М.:Мысль,1985–С. 70-86; Витюк В.В., Эфиров С.А. Левый терроризм на Западе:История и современность.–М.:Наука,1987.–С.150-197.

[6] Cline R.S. Terrorism–the Soviet connection.–New York: Crene Russak,1984. P.10–24.

[7] Frencis,Samuel T. The Soviet strategy of terror.–Washington,D.C.:Heritage Foundation,1981. P. 36-57.

[8] Мельгунов С. Красный террор в России 1918-1923.–М.: Мысль, 1990.–С. 45-93.

[9] Шамсидинов Р. Репрессия 1937-1938 гг.–Тошкент: Шарк, 2005.–285 с.

[10] Мадаева Ш.О. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари. Фалс.фан. доктори дисс... автореф. –Тошкент: 2009. –50 б.

терроризм мафкураси К.Дж.М. Дрейк[1], замонавий терроризм кўринишлари Е.П. Кожушко, К.Н.Салимовлар[2] томонидан тадқиқ этилган.

Терроризм натижасида юзага келадиган беқарорлик ва ҳар қандай таҳдид, хавф-хатарга нисбатан огоҳлик масаласи доимо инсоният диққат марказида бўлиб келган. Бу борада Н.Жўраев, Р.Жумаев, О.Раҳматов, А.Саидов, И.Саифназаров, Т.Каримов, каби олимларнинг[3] илмий-назарий хулосалари ҳозирги давр нуқтаи назаридан, объектив илмий баён этилган.

Халқаро терроризм ва глобал зиддиятларнинг вужудга келиш сабаблари Р.Раҳмонов, Б.Умаров, Ш.Ғойибназаров, А.Шариповлар, Марказий Осиёдаги геосиёсат ва трансмиллий таҳдидлар Ш.Арифханов, минтақавий хавфсизлик ва терроризмнинг замонавий муаммолари, У.Убайдуллаев, Б.Тўраев, М.Қирғизбоев, Б.Тўйчиевлар, терроризмнинг молиявий манбалари ва ёшларнинг террорчилик ташкилотларга кириб бориш сабаблари С.Файзиев, К.Норматов[4] каби олимларнинг илмий тадқиқотларида изчил равишда ёритилиб, илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

Н.Комилов, А.Бегматов, Р.Альмеев, Ф.Қосимов, О.Абдуллажонов[5] каби олимлар томонидан диний экстремизм ва фундаментализмнинг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг ижтимоий-сиёсий илдизлари ҳамда терроризм манбаларининг эволюцион жараёнлари[6] очиб берилган.

Шунинг билан бир қаторда, мавзуга яқин бўлган масалалар бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Диний экстремизм ва терроризм тусидаги жиноятларни бартараф этишнинг ҳуқуқий

---

[1] Münkler H. Sind wir im Krieg? Über Terrorismus, Partisanen und die neuen Formen des Krieges // Politische Vierteljahresschrift: Zeitschrift der Deutschen Vereinigung für Politische Wissenschaft – 2001 –Nr. 4 (42) –S.571–589; Münkler H. Terrorismus heute // Internationale Politik –2004 –№2 –S.1–11; Schmid A.P., Jongman A.J., Political Terrorism. – Amsterdam: North Holland Publishing Company, 1988. 240 p.; Drake C.J.M. The Role of Ideology in Terrorists' Target Selection // Terrorism and Political Violence – 1998 –Volume 10 – №.2 – P.53–85

[2] Кожушко, Е.П. Современный терроризм: Анализ основных направлений. –Мн. : Харвест, 2000. –448 с.; Салимов, К.Н. Современные проблемы терроризма. –М.: Щит-М, 1999. –215 с.

[3] Жўраев Н. Агар огоҳ сен. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –256 б.;Жумаев Р. Экстремизм ва террорчилик–ҳуррият кушандаси. Огоҳ бўлайлик. –Тошкент: Академия,1999. –240 б.; Раҳматов О. Огоҳлик–муқаддас бурч.–Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000–80 б.; Саидов А. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане. –Т: 2002. –337 с.; Саифназаров И., Каримов Т. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши кафолат. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.–53 б.

[4] Раҳмонов Р. Терроризм ва глобаллашув масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. –2008. –№2. –Б.10-13; Раҳмонов Р., Файзиев Ф. Ёшлар дунёқарашини шакллантиришда тарихий онг ва тарихий хотира.–Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –70 б.; Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлар. –Тошкент: Маънавият, 2006. – 160 б. ; Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. –Тошкент, 2009. –296 б.; Шарипов А. Терроризм ва экстремизмга қарши кураш ғоялари // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2005. –.№1. –Б.23-27; Арифханов Ш. Центральная Азия: Региональная интеграция и безопасность. –Тошкент, 2008. –202 с.; Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –26 б.; Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. –Т.: Университет, 2002. – 143 б.; Қирғизбоев М. Терроризм ва экстремизм:асосий тушунчалар ва йўналишлари. Тошкент: Абу Али инб Сино, –2001. –19 б.; Тўйчиев Б. Террор нима // Тафаккур, №1, 2001; Файзиев С., Норматов К., Тошқулов Ж. Терроризм ва ёшлар: Муаммо, ечимлар. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007. –85 с.

[5] Комилов Н. Ислом – маърифатдир. Огоҳ бўлайлик. –Тошкент: Академия. 1999. –280 б; Бегматов А. Ақидапарастлик манбалари // Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. –Тошкент: Университет, 1998; Бегматов А. Жалолиддин Мангуберди. –Т.: Lider Press, 2009. –174 б; Альмеев Р., Қосимов Ф. В Плену иллюзий. –Тошкент: Г.Гулям, 2004. –166 с; Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. –Тошкент: Академия, 2000. –96 б; Тўйчиев Б. Террор нима // Тафаккур, №1. 2001; Мунавваров З., Ёвқочев Ш., Жабборов И. Терроризм: иддао ва ҳақиқат. –Тошкент: 2001. –56 б.

[6] Сафарова Н.О. Терроризм: манбалар,мақсади ва глобаллашув жараёни. –Тошкент: Фан, 2006. –192 б.; Сафарова Н.О. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). Тошкент: NOSHIR, 2009. –216 б.

механизмини ишлаб чиқиш борасида бир неча изланишлар олиб борилган. Жумладан, М. Ражабованинг[1] докторлик ишида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга алоқадор халқаро конвенциялардаги қонунларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига сингдириш масалалари жиноят ҳуқуқи фани доирасида комплекс тарзда тадқиқ этилган. Шунингдек, терроризмга қарши изчил курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари С.Кахаров[2], Д.Раҳимов,[3] Б.Таджихановларнинг[4] номзодлик диссертацияларида илмий таҳлил қилинган.

Ш.И.Пахрутдиновнинг[5] тадқиқотларида экстремизмнинг ижтимоий хавф сифатида доимо мавжудлигининг ички ва ташқи мотивлари сиёсатшунослик нуқтаи назаридан очиб берилган. Шунингдек, фуқаролик жамиятини қуриш амалиётида халқаро терроризмнинг миллий тараққиёт учун асосий таҳдид эканлиги С.Ибрагимова[6] ва халқаро терроризмнинг ҳозирги кунда намоён бўлиш шакллари ва ижтимоий хавфи Абу Абдуллоҳ Бассам Аҳмадларнинг[7] номзодлик диссертацияларида илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ҳозирги давр ривожланиш даражасига ва истиқбол тенденцияларига мос онгни, тафаккурни шакллантириш учун ғоят хилма-хил ахборотлар таркибидан миллий тараққиёт манфаатларига мос ижобий томонларини танлаб олишда Э.Юсупов, С.Шермуҳаммедов, Х.Шайхова, М.Абдуллаева, А.Жалолов, И.Каримов, Қ.Назаров, Д. Алимова, С.Отамуродов, С.Мамашокиров, А.Ачилдиев, Ў.Обилов, З.Қодирова, У. Қорабоевларнинг миллий мафкура, миллат тарихий хотираси, анъаналари ҳамда маданий мерос таҳлилига бағишланган тадқиқотлари[8] мавзу доирасидаги ғоявий кураш масалаларини чуқур англаб етишда муҳим аҳамият касб этди.

Шу маънода тадқиқот доирасидаги қарши кураш масаласини тарихий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этишга кўмаклашган илмий изланишларни алоҳида гуруҳларга ажратишни лозим топдик.

«Ҳақиқий ислом» тушунчаси концепциясида диний фундаментализм ва экстремизм амалиётининг мутлақо ёт эканлигини, ижтимоий, сиёсий, маънавий, диний далиллар билан исботлаб беришда маълум даражада

---

[1] Ражабова М. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. доктори дисс... автореф. –Тошкент, 2002. –49 б.; Ражабова М.А. Шариатда жиноят ва жазо. –Тошкент: Адолат, 1996. –133 б.; Ражабова М.А. Диний экстремизм ва террорчиликга қарши кураш муаммолари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –397 б.

[2]Кахаров С.Р. Халқаро ҳуқуқда жисмоний шахсларнинг терроризм учун жиноий жавобгарлиги: юрид. фан. номзоди дисс... автореф. –Тошкент, 2004. –23 б.

[3]Рахимов Д.Ф. Международно – правовые аспекты определения понятия «терроризм»: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. –Тошкент, 2005. –24 б.

[4]Таджиханов Б.У.Терроризм:уголовно-правовой аспект: Автореф.дисс...канд.юрид.наук. –Тошкент, 2004. –24 б.

[5]Пахрутдинов Ш. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди: Сиёс. фан. доктори дисс... автореф. –Тошкент, 2001. –64 б.; Пахрутдинов Ш. Таҳдид –ҳалокатли куч. –Тошкент: Академия, 2001. –319 б.; Пахруддинов Ш. Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт. –Тошкент: Академия, 2006. –160 б.

[6]Ибрагимова С.Ш. Международный терроризм как фактор угрозы безопасности Республики Узбекистан: Автореф. дисс... канд. полит. наук. –Ташкент, 2005. –23 б.

[7]Абу Абдуллох Бассам Ахмед. Международный терроризм на современном этапе: Дисс. канд. ист. наук. –Тошкент; 1993. –167 б.

[8] Қайд этилаётган муаллифлар асарларига оид маълумотлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

исломий қадриятлар Қуръони карим, ҳадислар, мусулмон ҳуқуқи (фиқҳ) муҳим аҳамият касб этди[1].

Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий фикр намояндалари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Улуғбек, Бобур[2] асарларидаги ўзаро келишувлар, халқлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг[3] динлараро адоват ва низолар тугатилган, ижтимоий адолатга асосланган жамият ҳақидаги фалсафий қарашлари муҳим илмий асос бўлди.

Марказий Осиё тасаввуф таълимотидаги маънавий-ахлоқий қадриятларнинг экстремизм ва ислом фундаментализми ҳамда ақидапарастликка қарши курашдаги маънавий аҳамияти ҳанузгача яхлит тадқиқ қилинмаганлигини қайд этиб ўтиш даркор. Мазкур муаммони тадқиқ этишда ўрта аср қўлёзма ва тошбосма манбалари[4] алоҳида илмий қимматга эга.

Ўзида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни мужассам этган ўтмишдаги буюк аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва маънавий мероси И.Мўминов, М.Хайруллаев, Ҳ.Алиқулов, М.Болтаев, Р.Носиров, М.Усмонов, Э.Каримов, Г.Наврўзова, Р.Шодиев, А. Зоҳидий, М. Имомназаров, М.Ҳасаний, З. Ҳусниддиновларнинг[5] тадқиқотларида илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганилган бўлиб, бу тадқиқотлар экстремизм ва диний фундаментализмга қарши ғоявий курашнинг муайян қирраларини очиб беришда ёрдам берди.

МДҲ зиёлилари терроризмни бартараф этишнинг турли хил моделларини таклиф қилишмоқда. Б.Ключков, Д.В.Ольшанский, В.Л.Суворов, М.Н.Требинларнинг[6] монографик тадқиқотларида террорчиликнинг турли ташкилотлари ҳамда уларнинг сиёсий ва мафкуравий мақсадлари, террорчиликнинг салбий руҳий оқибатлари ҳамда унинг оммавийлашув жараёнининг кишилик жамиятига келтирадиган янги таҳдидлари билан боғлиқ масалалар ёритилган.

---

[1] Қуръони карим: Ўзбекча изоҳли таржима / Тарж. ва изоҳлар муаллифи: Алоуддин Мансур. –Т.: Чўлпон, 1992. 544 б.; Ал-Бухорий, Абу Абдулох Муҳаммад Ибн Исмоил. Абу Абдулох Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис: (Ишонарли тўплам.) / Н. Иброхим ва Кенжабоев таҳр. остида; Муҳаррир Хожа Бахтиёр Набихон ўғли; Арабчадан Абдулғани Абдуллоҳ тарж. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997. –К.4. Ал-Жоми Ас-Сахих. –528 б.; Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. I- жилд . Закот китоби .–Тошкент, 2002.–406 б.

[2] Ибн Сина. Избранные философские произведения. –М.: Наука, 1980. –552 с.; Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт.// Форсийдан Асқар Маҳкам таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 1999. –368 б.; Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Тошкент: Ёзувчи, 2002. –Б.62; Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Ёзувчи, 1993. –224 б.; Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Танланган асарлар. Т.1. –Тошкент: Фан, 1968. –468 б.; Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон / Танланган асарлар. Т.II. –Тошкент: Фан, 1965. –727 б.; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. –Тошкент: Чўлпон, 1994. –352 б.

[3] Джами А. Книга мудрости Искандара. Избранное. -М.: Наука, 1984. –337 с.; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (Насрий баён муаллифи Иноят Махсумов). –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. Б.9-22 .

[4] Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома // ЎзРФАШИ қўлёзмалар фонди. ИНВ №844. В.185 а; Шаҳобиддин Ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Мири Кулол. 1436. –Б.80 // Бухоро вилоят музейи. Инв. № 1158; Ғиждувоний Хожа Абдухолиқ. Маслак ал-Орифин // Бухоро вилоят музейи. Инв. № 2182.; 2517/VII; Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти ҳазрати Хожаи Бузург // Ўз.ФАШИ. Қўлёзма № 9519.

[5] Қайд этилаётган муаллифлар асарларига оид маълумотлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

[6] Ключников Б. Исламизм: США и Европа. Война объявлена. –М.: Алгоритм: 2003. –С.320.; Ольшанский Д.В. Психология терроризма. –СПб.: Питер, 2002. –С.288.; Суворов В.Л. В противоборстве с террористами (Из истории борьбы правоохранительных органов дореволюционной России с политическим терроризмом). –М.: ЮНИТИ–Дана, 1999. –С.240.; Требин М.П. Терроризм ХХ века. –Мн.: Харвест, 2004. –816 с.

Ғарб олимлари Е.Бескер, У.Лакер, Т.Вольтон, М.Креншоу, Д.Тэйлор, Х.Хофмайстер, Дж.Гудбиларнинг[1] изланишларида терроризмни озиқлантирувчи кучлар, ғоявий раҳнамолар ҳамда унинг юзага келишида сиёсий институтларнинг ўрни маълум даражада очиб берилган. У.Горининг[2] тадқиқотида терроризмнинг янги тўлқини зўравонликнинг янги кўринишларини юзага келтириши ҳамда халқаро майдонда беқарорлик ва доимий таҳдидларнинг юзага келиши сабаблари хусусида илмий хулосалар берилган.

Юқорида кўрсатилган адабиётлардан тадқиқотимиздаги масалаларни ёритишда муайян даражада фойдаландик ва уларда баён этилган айрим фикрларга нисбатан ўзимизнинг баъзи эътирозли фикрларимизни келтирдик.

Хулоса қилиб айтганда:

биринчидан, террор ва терроризм муаммоларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўлами кенглиги унинг етарли даражада ўрганилганидан далолат бермайди;

иккинчидан, аксарият тадқиқотлар сиёсатшунослик, социология, ҳуқуқшунослик таснифига эга бўлиб, муаммо тарихий-фалсафий нуқтаи назардан етарли даражада ўрганилмаган;

учинчидан, кўпчилик хорижий мамлакатлар тадқиқотчилари муаммони ўзининг миллий манфаати ҳамда давлат сиёсатидан келиб чиқиб, бир томонлама таҳлил этганлар;

тўртинчидан, юқоридагиларга асосланган ҳолда, муаммо доирасидаги терроризмга қарши курашнинг ғоявий ва мафкуравий жиҳатлари деярли ўрганилмаган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги**. Диссертация мавзуси Навоий давлат педагогика институти «Ижтимоий фанлар» кафедрасининг «Демократик жамиятда миллий ва маънавий қадриятларга содиқлик, миллатлараро муносабатлар, толерантлик ва барқарорлик масалалари» номли илмий тадқиқоти доирасига киради.

Юқорида келтирилган маълумот ва фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари қуйидагича белгиланди:

**Тадқиқот мақсади:** террор, терроризм ҳодисалари ва уларга қарши курашни жаҳон файласуфлари таълимотлари асосида тарихий-фалсафий таҳлил этиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

– юртимиз ва хориж илмий адабиётларида террор, терроризм ҳақида келтирилган нуқтаи назарларни умумлаштириш;

---

[1]Becker E. The terror of death–In: Stress and coping. An anthology –N. Y: Plenum 1977; Вольтон Т. Четвертая мировая война // Известия. 2006. 24 января; Crenshow M. Terrorism, Leqitimacy, and Power –Middletowen, Ct.: Weslleyan. University Press, 1983. P.107; Taylor D –Are you tolerant. (Should you be?):Deconstructung the gospol of tolerance //Christianity today? 1999 –p –111-115; Duranton–Crabol, Anne Marie. L'Europede l'extreme droitede 1945 a nos jours. Brusselles, 1991. P. 221; Хофмайстер Х. Воля к войне, или бессилие политики. Философско-политический трактат ./ Пер. с нем. и послесл. О.А. Коваль. –СПб.: ИЦ Гуманитарная Академия, 2006. –С.262-282; Гудби Дж. Неразделенная Европа. Новая логика мира в российско-американских отношениях. –М.: Международные отношения,2000; Лакер У. Терроризм эпохи постмодернизма // США:экономика, политика, идеология. –1997. –№ 2; Lagueter W. The Age of Terrorism Boston:Little. Brown. 1987. –P. 97.

[2]Гори У. Новая форма насилия: международный терроризм. Выступление на международном коллоквиуме «Войны и мир в XXI веке», организованном французским Фондом оборонных исследований в декабре 1995 г. // Дефанс националь. –1996. –Апрель. –С.135-143.

– террор ва терроризмнинг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг тарихий шакллари билан ҳозирги давр кўринишлари ўртасидаги моҳиятан умумийлик мавжуд эканлигини очиб бериш;

– терроризмнинг кенг кўламда тарқалиши ва мутаассибона намоён бўлишининг сабабларидан бири унинг диний фундаментализм ҳамда экстремизмга таяниши, улардан ғоявий ва мафкуравий озуқа олишида эканлигини ҳар томонлама асослаб бериш;

– терроризмни ижтимоий -сиёсий ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш, унинг глобаллашуви ва асосий йўналишларининг ҳозирги даврда янгича тус олиб намоён бўлаётганини очиб бериш;

– исломий қадриятлардаги айрим ақидавий ва ҳуқуқий масалалардан диний экстремизм ҳамда терроризмга қарши самарали ғоявий кураш олиб боришда фойдаланиш муҳимлигини асослаб бериш;

– ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашидаги диний муросасозлик ҳамда халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ғояларининг терроризмга қарши курашдаги мафкуравий аҳамиятига алоҳида урғу бериш;

– Марказий Осиё мутасаввифларининг ахлоқий қарашларидаги динлараро муросасозлик, ишонч ва эҳтиром ғояларининг ислом дини ниқоби остида ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар даъватларига қарши ғоявий курашдаги маънавий аҳамиятини таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Террор ва терроризмнинг генезиси ва эволюцияси хусусидаги мутахассисларнинг илмий-назарий асарлари тадкиқот объектини ташкил этади. Зўрликка асосланган ижтимоий-сиёсий, тарихий ҳодиса бўлмиш террор ва терроризмга қарши кураш усулларини аниқлаш тадкиқотнинг предмети ҳисобланади

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари.** Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосларини Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихи, мутахассисларнинг назарий-илмий тадқиқотлари ва хулосалари.ташкил этади.

**Тадқиқот методлари.** Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, тарихийлик-қиёсий таҳлил ва мантиқийлик, экзистенционал ёндашув каби усулларига таянилди.

**Тадқиқот фарази.** Терроризм ўзининг кўлами, мақсади, кураш воситалари жиҳатидан муайян бир давр, тарихий шароит, мамлакат, шахсга қаратилганлиги жиҳатидан ҳар қандай чегарадан чиқиб, халқаро миқёсда ижтимоий ҳодисага айланди. Агрессия ва деструктивлик террор ва терроризм генезисида муҳим омиллардан бўлиб, хавфи замон ва макон нуқтаи назаридан доимий равишда жамият ҳаётий фаолияти ва ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиб келган. Терроризм характерига кўра, очиқ ва зимдан таъсир кўрсатиши мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

–Террор, терроризм, халқаро терроризм тушунчалари таърифига фалсафа фани ўрганадиган муҳим масала сифатида аниқлик киритилди.

–Терроризм вужудга келишининг тарихий босқичлари билан бир қаторда, унинг ижтимоий-ғоявий ва мафкуравий асослари ёритилди.

–Диний фундаментализм ва экстремизм халқаро терроризмнинг мафкуравий манбаларидан бири эканлиги таҳлил қилинди.

–Муайян ижтимоий-тарихий шароитларда диний фундаментализм ва экстремизм халқаро терроризмнинг ғоявий манбаи бўлиб хизмат қилиши назарий ва амалий жиҳатдан асосланди.

–Терроризм глобаллашувининг объектив сабаблари статистик маълумотлар асосида фалсафий таҳлил қилинди.

– Ислом дини ниқоби остидаги терроризмнинг ғоявий ва мафкуравий асосларининг сохталиги ва реал воқеликка зидлиги асосланди.

–Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида диний бағрикенглик, халқлараро ҳамжиҳатлик ғояларининг диний экстремизм ҳамда терроризмга қарши курашдаги ғоявий ва маънавий аҳамиятининг ақидавий, ҳуқуқий, назарий-фалсафий ҳамда ижтимоий-маънавий жиҳатлари фалсафий таҳлил қилинди.

–Ўзбекистонда диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг ғоявий, мафкуравий ва назарий масалалари ёритилди.

**Илмий янгилиги:**

– тарихий-фалсафий ва қиёсий таҳлил қилиш асосида «террор», «терроризм» тушунчаларининг мазмуни конкретлаштирилди, уларнинг илмий таърифига аниқлик киритилди;

–«террор»нинг инсоният ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги эволюцияси кўрсатилди;

–агрессия ва деструктивлик террор ва терроризм генезисида муҳим омиллиги ёритиб берилди;

–икки хил террор: индивидуал ва оммавий террор кўринишлари ҳамда уларнинг инсоният тараққиётига салбий таъсири тарихий далилларга асосан қиёсий таҳлил қилинди;

–террор ҳодисасининг терроризмга ўзгариши жараёни ва ушбу жараённинг асосини «зўравонлик» ташкил этиши асослаб берилди;

–терроризм динамикасининг таҳлили ва классификацияси илмий тадқиқот объект сифатида ўрганилди;

–ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихи асосида терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий тамойиллари ишлаб чиқилди;

–ғарб ва шарқ мутафаккирлари умуминсоний ғояларига асосланиб террроризмнинг потенциал сабабларига (агрессия, зўрлик, конфликтлар, бегоналашув, худбинлик, эгоизм, нафс) қарши ғоявий курашнинг аҳамияти асослаб берилди;

–диний фундаментализм ва экстремизм тушунчаларининг фалсафий категориялар тизимидаги ўрни талқин этилиб, уларнинг сиёсий мақсадлари ва терроризмнинг ғоявий манбаи бўлиб қолаётганлиги далиллар асосда таҳлил қилинди;

–терроризмнинг асосий йўналишлари ҳамда глобаллашув сабабларининг ижтимоий-сиёсий ва тарихий илдизлари батафсил ёритиб берилди;

–миллатчилик терроризми вужудга келишининг ижтимоий-тарихий сабаблари, унинг ҳозирги давр учун ижтимоий, сиёсий ва ғоявий зарари тарихий ва замонавий воқеликларнинг қиёсий-тизимий таҳлили асосида очиб берилди;

– ислом динини ниқоб қилиб олган турли террорчилик ҳаракатларига нисбатан «исломчилар» деган номнинг ёпиштирилиши асоссиз эканлиги мантиқий далиллар асосида исботлаб берилди;

–фундаментализм, экстремизм ва улар асосида вужудга келган терроризмнинг диний эътиқод нуқтаи назаридан асоссиз эканлиги исломий қадриятлардаги диний бағрикенгликнинг ақидавий ва ҳуқуқий масалаларининг таҳлили асосида очиб берилди;

–ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашларидаги диний мурасасозлик, халқлараро ҳамжиҳатлик ва толерантлик ғояларининг динлараро муносабатларни такомиллаштиришдаги ўрни тизимли ўрганилди;

–Марказий Осиё хожагон-нақшбандия тасаввуф таълимотидаги маънавий-ахлоқий қадриятларнинг диний фундаментализмни бартараф этишда муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга эканлиги ўрта аср манбалари таҳлили асосида очиб берилди;

–Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашда халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни, нуфузи ҳамда Ватанимиз осойишталиги ва барқарорлигини таъминлашда «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат» тамойили муҳим аҳамият касб этиши илмий-назарий таҳлил асосида ёритиб берилди;

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациядаги хулосалар, назарий умумлашмалардан фундаментализм, диний экстремизм, терроризм ва ушбу феноменларга қарши курашда маънавий-маърифий тадбирларни ишлаб чиқишда ва ўтказишда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Фалсафа», «Диншунослик», «Маданиятшунослик», «Конфликтология», «Сиёсатшунослик», «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» каби фанларни ҳамда «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» каби ўқув курсларини ўқитишда, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси бўйича ўтказиладиган талаба-ёшларни мустақиллик, миллий ғоя руҳида тарбиялаш, ғоявий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ бўлган маънавий-маърифий тадбирларда: мулоқот, давра суҳбатлари, дебат, тренингларда ҳамда оммавий ахборот воситаларининг тарғибот ва ташвиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши**. Муаллиф тадқиқот юзасидан 2005 йил 23 ноябрда «Глобал террор ва унинг геосиёсий ўлчами» мавзуидаги Республика илмий-амалий конференциясини ташкил этди. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар, якуний хулосалар Навоий вилоят ҳокимлигида, Республика маънавият тарғибот маркази Навоий вилоят бўлимида, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навоий Минтақавий ахборот-таҳлил маркази, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Навоий вилояти ИИБ жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси терроризмга қарши кураш бўлимида, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси Навоий вилоят бўлимларида диний фундаментализм, экстремизм ва терроризмга қарши кураш доирасида ўтказилган тадбирларда, ходимларнинг назарий билимлари ва касбий маҳоратини такомиллаштиришда, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва таҳлил қилишда жорий қилинган.

Шунингдек, Навоий давлат педагогика ва Навоий давлат кончилик институтларининг таълим-тарбия жараёнида, институт қошидаги Ахборот гуруҳи тадбирларида, «Фалсафа», «Диншунослик», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» , «Сиёсатшунослик», «Фалсафа тарихи ва назарияси», «Ғоялар фалсафаси», «Қадриятлар фалсафаси», «Ижтимоий фалсафа» фанларидан ҳамда «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» ўқув курсларига оид маърузаларда фойдаланиб келинмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Диссертация ЎзР ФА И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг «Фалсафа ва ижтимоий фикр тарихи» бўлимида тайёрланган ҳамда ҳимояга тавсия этилди(2008 йил 7 июль), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги Д. 067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш қошидаги 09.00.03 – «Фалсафа тарихи» ихтисослиги бўйича ташкил этилган илмий-назарий семинарнинг муҳокамасидан ўтган ва ҳимояга тавсия қилинган (2009 йил 21 сентябрь).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертацияда баён этилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар муаллифнинг нашрдан чиққан жами 73 илмий ишида, жумладан, 2 та монография, 2 та илмий рисола, 11 таси ОАК талабларидаги журналларда, 9 таси хорижий журналларда ва 4 таси бошқа журналларда ва 41 таси республика илмий-назарий конференция материаллари ҳамда илмий тўпламларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, ўн бир параграфни ўз ичига олган тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 290 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **«Кириш»** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, методологик асоси ва тадқиқ қилиш усуллари, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, иш натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

**«Терроризмнинг моҳияти ва вужудга келишининг ижтимоий-тарихий ҳамда ғоявий илдизлари»** деб номланган **биринчи бобда** тарихий аналогия методи асосида террор ва терроризмнинг генезиси, уларнинг диний фундаментализм ва экстремизм билан боғлиқлиги ҳамда терроризмнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий илдизларининг пировард мақсади таҳлил этилган.

Бобнинг *«Террор, терроризм тушунчалари ва уларнинг моҳияти»* деб номланган *биринчи қисмида* якка террорчи экзистенциал онгининг ўзига хос хусусиятлари, инсон анатомиясидаги деструктивлигининг намоён бўлиши ҳамда террорнинг терроризмга айланиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилди.

Арасту «террор» атамасини биринчи бор қадимги юнон театрларидаги трагедияларда томошабинларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиш мақсадида «қўрқинч» маъносида қўлланилганлигини изоҳлаган. Мутафаккирнинг фикрича: «Яхши трагедия оддий ва содда бўлмайди, балки у кўпгина турли-туманликларни ўз ичига олади, унда даҳшатли ва ачинарли воқеалар қўшилиб кетади. Трагедия ҳурматли кишиларнинг бахт-саодатдан кетма-кет бахтсизликка учраб туриши сифатида ифодаланмаслиги керак, акс ҳолда томошабинда на ачиниш, на раҳм-шафқат, на қўрқув туғилади»[1].

«Қўрқинч» ижтимоий-сиёсий мақсадларни амалга оширишда оммавий «ваҳима» тарқатувчи механизм сифатида инсоният тарихида алоҳида ўрин эгаллаган. «Террор»нинг лотин тилидаги бирламчи маъноси «қўрқинч», «даҳшат»ни англатади. «Қўрқинч–бу эмоция бўлиб, у ҳақда одамлар даҳшат билан ўйлашади. Шунга қарамай, қўрқинч ҳаётимизнинг реал қисмидир»[2]. Инсон унга турли ҳаётий вазиятларда дуч келиши мумкин. Буни баъзи бир таъсирлар (зўравонлик, куч қўллаш, турли хил ахборотлар, табиий офатлар) натижасида, инсон ўз тинчлиги ва хавфсизлигини йўқотишдан қўрқиб, даҳшатга тушишида кузатиш мумкин. Қўрқинчнинг мунтазам такрорланиб, кучайиб бориши даҳшатга олиб келади. Инсонда бундай ҳолатлар урушларда, турли хил тўқнашувларда, яъни ҳаёти хавф остида қолганида намоён бўлади.

Фрейднинг фикрича, инсон табиатида икки куч ҳукмрон. Биринчиси, барча нарсаларни вайрон этувчи тантанос руҳи; иккинчиси эса, ҳаётга, хурсандчиликка интилиш кучидир. Биринчи куч инсон психикасида нафрат, муросасизлик кураш услубига айланса, инсонни инсонийлик чегарасидан чиқариб, уни ажал машинасига айлантиради. Террор айнан ана шундай вазиятда юзага келади.

Иккинчи куч инсон психикасида кўпроқ ривожланган бўлса, уларни гимнафиллар, яъни ҳаётни севувчилар деб аташади. Уларга ҳаётий жўшқинлик ва оптимизм хосдир. Соф ҳолатда ҳаётда бу иккилик кам учрайди. Улар жамиятда асосан аралаш ҳолда ҳаёт кечиради. Бундай психик хусусиятлар ижтимоий жараёнларга катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Фромм тажовузкорликни «безарар» (филогенетик) ва «хавфли» (деструктив)га ажратади. «Безарар» агрессия индивиднинг омон қолиш, ўзини ўзи мудофаа қилиши йўлида ҳужум қилиш учун зарур бўлган филогенетик ички туртки. Биологик шаклда намоён бўлган агрессиянинг бу кўриниши хавф йўқолиши билан дарҳол пасаяди. «Хавфли» (деструктив) агрессия фақат инсонга хос бўлиб, сутэмизувчиларда бу ҳолат кузатилмайди.

Деструктивлик ижтимоий тартиботларнинг бузилиши аномия ҳолатида намоён бўлади. Аномия ҳолатида нафақат вайронкорлик, балки руҳий бўшлиқ, экзистенциал қўрқув, қадриятлар тизимининг бузилиши ҳам юзага келади. Натижада бебошлик, зўравонликнинг кучайиши, куч қўллаш, одам ўлдириш кабиларнинг ваҳшийликкача ўсиб бориши, табиийки, қўрқув-террорнинг юзага келишига замин яратади.

---

[1]Қаранг: Ғарб фалсафаси // Қ.Назаров таҳрири остида. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004. –Б.166.

[2] Изард К.Е. Психология эмоции. –СПб.: Питер, 2000. –С.293.

Ҳар бир террор жараёнининг асосида турли даврларда муайян сиёсий мақсадлар ётган. Таҳлил жараёнида икки хил террор мавжудлиги аниқланди. Булар: индивидуал ва оммавий террор.

| Террор таснифи | Юзага келиш сабаби | Услуби | Кўриниши |
|---|---|---|---|
| Индивидуал террор | Давлат сиёсатининг сақланиши ёки ўзгартирилиши | Шахс ёки рақибни жисмоний йўқ қилиш | • Сулолавий низолар негизидаги террор<br>• Номақбул ҳукмдор, давлат ва жамоат арбобларини йўқ қилишга қаратилган террор |
| Оммавий террор | Зўрликка қарши зўрлик ишлатиш натижасида оммани гирдобга тортиш | -Халқни итоатда сақлаш<br>-Инқилобчилар томонидан сиёсий мухолифатнинг қатағон қилиниши | • Ҳокимиятни бошқариш қуроли<br>• Сиёсий кураш усули |

Индивидуал террор– тарихдан маълумки, давлат сиёсатини сақлаш ёки ўзгартириш учун маълум бир шахс ёки душман жисмоний йўқ қилинган. Ана шундай зўрлик ва куч ишлатиш жараёнида индивидуал террор намоён бўлади. Демак, сиёсий курашда кучли сиёсий оппонент ёки рақибни йўқ қилишнинг бошқа воситаси топилмаганда, индивидуал террордан қурол сифатида фойдаланилган. Таҳлиллар натижасида уни иккига ажратдик.

I.Сулолавий низолар негизидаги террор – маълум бир маслакдош кишилар, яъни гуруҳ раҳнамолигида режалаштирилиб амалга оширилади. Мирзо Улуғбекка нисбатан уюштирилган суиқасд бунинг яққол мисоли. Буюк ҳукмдор, донишманд, мутафаккир Мирзо Улуғбек Ватанига қирқ йил хизмат қилди, ўз юртини равнақ топтирди ҳамда жаҳон фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Ижтимоий тўқнашувлар сабабли жоҳил фитначилар раҳнамолигида Абдуллатиф сарой тўнтаришини амалга оширди ва отасининг ҳузурига ёлланма қотилни жўнатди[1].

II.Номақбул шахсларни йўқ қилишга қаратилган террор (ҳукмдор, давлат, жамоат, маданият, фан арбоблари)– Юлий Цезарь, Жордано Бруно, Павел I, Александр II, Столипин ва ҳоказолар индивидуал террор қурбони бўлишган.

Оммавий террор– аста-секин спиралсимон ҳаракат қилиб, кенг оммага ўз таъсирини ўтказа бошлайди ва натижада халқ орасида парокандалик уруғи сочиб, катта маънавий-руҳий жароҳат етказади. Тарихий воқеликка таянган ҳолда, қуйидаги кўринишларга ажратиш мақсадга мувофиқ

I. Ҳокимият-бошқарув қуроли–маълум бир тарихий даврларда халқни итоатда сақлашда қўрқув ва ваҳима, яъни террор алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг илк кўриниши қадимги Италияда диктатор Сулла даврида содир бўлган[2]. Фуқаролик урушида Гай Мари устидан ғалаба қозонган Луция Корнелия Сулла Римда диктатура ўрнатиб (мил.ав.82–79 йиллар) Proscriptionни қўллайди. Римда даҳшатли қирғинлар бошланиб, илк оммавий террор амалга оширилади. Кўчаларда барча мол-мулки мусодара этишга, ўзи

---

[1] Қаранг: Ахмедов А. Улуғбек. –Тошкент: Фан, 1991. –Б.44.; Всемирная история. Т.III. –М.: Государственное издательство политической литературы, 1957. –С.575.

[2] Всемирная история. Т.II. –М.: Госполитиздат, 1956. –С.366.

эса ўлимга ҳукм қилинганлар рўйхати(Proscription) осиб қўйилади. Proscription (лот.)–Қадимги Римда барча ҳуқуқларидан маҳрум бўлган, мулки давлат ҳисобига мусодара қилинган, қонундан ташқари деб эълон қилинган кишилар рўйхати[1]. Қон тўкиш кучайиб кетади. У (Сулла–*С.Н.*) ўзини диктатор ҳисоблаб, содир бўлаётган ҳодисалар учун жавобгар эмас, деб эълон қилди.

II.Сиёсий кураш усули–у илк бор буюк француз инқилоби даврида пайдо бўлди ва радикал инқилобчилар томонидан сиёсий мухолифатни қатағон қилиш воситаси сифатида фойдаланилди. Оммавий террорнинг шундай шаклини 1917 йилда Россияда бўлиб ўтган Октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда большевиклар томонидан юритилган ички сиёсатда кўриш мумкин. 1918 йил август ойида В.И.Ленин телеграф орқали қуйидаги фармойишни беради: «Қулоқлар, поплар ва оқ гвардиячиларга қарши раҳмсиз оммавий террор ўтказиш керак; шубҳали кишиларни шаҳардан ташқаридаги концентрацион лагерларга қамаш керак»[2]. Хуллас, давлат тўнтаришлари, инқилоблар ва шу кабилар кўзланган маълум бир мақсадни амалга ошириш ҳосиласи бўлиб, уларнинг ҳар бири куч қўллаш, урушлар, қуролли тўқнашувлар, инқилоблар натижасида амалга оширилган ва минглаб одамлар жисмоний йўқ қилинган.

Террор зўрликка асосланган бўлиб у турли кўринишларда намоён бўлади: жисмоний, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ахборот орқали ва ҳ.к. шакллари бўлади. Зўрликнинг аниқ ифодаланган турлари мавжуд бўлиб, уларни бир-биридан фарқлай билиш мураккаб бўлган ҳолларда икки турини: уюшмаган (тизимсиз, стихияли) ва уюшган(тизимли) даражасини ажратиш лозим;

- тизимсиз–тўсатдан вазият қурбони бўлган одамларга нисбатан тартибсиз зўрлик (кўпорувчилик, жароҳат етказиш, одам ўлдириш) ҳаракати;
- тизимли–сиёсий мақсадларини амалга оширишда зўрлик ва куч ишлатишга асосланган тартибли тизим юзага келади. Унда оммани ваҳима, даҳшат гирдобида сақлаш мақсадида кўпорувчилик фаолияти режа асосида олиб борилади.

Фикримизча, террорнинг терроризмга айланиши қуйидаги тартибда амалга ошади:

1. Жамиятда маълум бир вазиятлар натижасида жиноий гуруҳлар пайдо бўлиб, улар томонидан аниқ йўналишга эга бўлмаган ҳаракат, яъни тизимсиз (кўр-кўрона) террор содир этилади.
2. Кейинчалик бошқарув ва тизим юзага келиб, террорчилик фаолияти аниқ режага асосланади, ҳаракатлари эса тизимли ва уюшган бўлади.
3. Жиноий гуруҳ сиёсий мақсадда тизимли террорни мустақил амалга оширади (баъзида кимнингдир томонидан жалб қилинади). Натижада, террор терроризмга, жиноий гуруҳ эса террорчилик ташкилотига айланади.

Террорчилик фаолияти–агрессия, куч қўллаш, жисмоний йўқ қилиш орқали инсон тинчлиги ва ҳаётига хавф солувчи зўравонликка асосланган фаолият**.** Буларни амалга оширувчиларни эса террорчи деб аташ мақсадга мувофиқ.

---

[1] Қаранг: Словарь иностранных слов. –М.: Г.И.И.Н.С., 1955. –С.570.

[2]Ленин В.И. Тўла асарлар тўплами. 50–том. –Тошкент, 1978. –Б.160–161.

Террор, террорчилик фаолияти, террорчи биргаликда бир бутун ҳодиса сифатида терроризмни ташкил қилади.

Терроризм ўзининг кўлами, мақсади, кураш воситалари муайян бир давр, тарихий шароит, мамлакат, шахсга қаратилганлиги жиҳатидан ҳар қандай чегарадан чиқиб, халқаро миқёсда ижтимоий ҳодисага айланди. Унинг хавфи замон ва макон нуқтаи назаридан доимий равишда жамият ҳаётий фаолияти ва ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиб келган.

Диссертацияда терроризмга берилган бир қатор таърифлар келтирилган. Жумладан. «Фалсафа. Қомусий луғат»да ушбу ҳодисага «Терроризм, террорчилик–зўрлик ва жаҳолат мафкураси, террор билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат. Терроризм бир неча асрлар олдин шаклланган, географик жиҳатдан барча минтақа ва мамлакатларда учраши мумкин бўлган мураккаб феномендир», [1]– деб таъриф берилган. В.Федорцов: «XX асрнинг иккинчи ярмидаги глобаллашув жараёни нафақат давлатнинг ролини пасайтирди, балки террорчиларга сиёсий элитани космополитизм ва миллий манфаатлар сотқинлигида айблашга имкон берди,»[2] –деган хулосага келган. С.А. Эфиров: «Терроризм – барча кўринишдаги давлат терроризми, террор сиёсати ва геноциднинг зимдан амалга ошириладиган қўпорувчилик ҳаракатини бирлаштирувчи ҳаракат»[3],–деб таъриф беради. Е.Сатановскийнинг фикрича: «Замонавий терроризм глобаллашувнинг меваси бўлиб, унинг барча салбий энергиясини юзага чиқарувчи каналдир»[4]. Чунончи, А.В.Наумов: «Жиноий» терроризмни «ножиноий» (сиёсий, миллий, диний) терроризмдан фарқлаш масаласига келсак, бундай фарқланишни шартли равишда унинг важ-баҳонасига нисбатан, яъни жиноий ёки руҳий илдизига нисбатан қўллаш мумкин. Жиноят қонуни чегарасида эса, ҳар қандай терроризм – жиноятдир, зеро, у қонунни бузишдир»[5],–деб ёзади.

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштирган ҳолда тадқиқотда террор ва терроризмга қуйидаги таърифлар берилган. Террор–турли вазиятларда юзага келиб, такрорланиб ва кучайиб борувчи қўрқувнинг даҳшатга айланиши. Терроризм– зўрлик ишлатиш билан қўрқитишга асосланган услуб ва воситалар ёрдамида сиёсий мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган тизимли ва уюштирилган, сиёсий мазмунга эга жиноий ҳаракат.

Мазкур бобнинг *«Терроризм вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари, ижтимоий-ғоявий илдизлари ва унга қарши курашнинг тарихий-фалсафий тамойиллари»* деб номланган **иккинчи қисмида** куч қўллаш ва зўравонлик ёрдамида сиёсий мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган сиёсий мазмунга эга бўлган ижтимоий ҳодиса–терроризмнинг генезеси таҳлил этилган.

Тўқнашувларда рақиблар ёки томонларнинг бири ўзаро келишувга интилиш ўрнига мавжуд муаммони қўрқитиш ва зўравонлик воситалари

---

[1] Фалсафа. Қомусий луғат.–Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Шарқ.2004.–Б.398.

[2] Федорцов В.А. Негосударственный терроризм как форма политической борьбы:основные признаки и тенденции исторического развития. Автореф. Дисс… канд. полит. наук–Москва, 2007. С.17.

[3] Эфиров С.А. Терроризм: психологические корни и правовые оценки // Государство и право. – 1995.– № 4. – С. 24.

[4] Сатановский Е.Глобализация террора и его последствие//Международная жизнь.2001.N 9–10.С.19–20.

[5] Қаранг: Терроризм: психологические корни и правовые основы. Круглый стол журнала. “Государство и право”.// Государство и право.–1995. –С.34.

билан ечишга ҳаракат қилишади. Бир гуруҳ одамларнинг эгоистик руҳдаги интилишлари бошқа гуруҳ одамларининг интилишларига зид келади[1]. Ҳар бир одам ўзига йўл очиш учун бошқа одамни йўқ қилишга интилади. Бу босқичда инсон ўзининг ички оламидан, мазмунидан ҳам бегоналашиб қолади. Инсон ўзининг ботиний табиатини йўқотиб, фақат зоҳирий табиатида яшаб қолади, унга мослашиб боради. Бундай инсон ўзининг ички ҳиссиётларидан маҳрум бўлиб, жамият машинасининг бир заррачасига айланади. Натижада, инсон ҳаёт мазмуни гўзаллиги ўрнига фақат фойда ахтаради. У худпараст, худбин шахсга айланади. Худбинлик турли одамлар, гуруҳ, тоифа, табақалар орасида ўзаро можароларни ҳамда беъмани олишувларни, нафрат, ғайриинсоний ҳодисаларни юзага келтиради. Ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаган кишилар амалга оширган давлат тўнтариши, инқилоблар, хунрезликлар маълум бир кишиларнинг худбинлиги, нафсга берилиши натижасида содир бўлган ва алоҳида бир кишидан тортиб, бегуноҳ одамларгача жабр келтириб, ижтимоий ҳаётда қўрқув ва даҳшат ҳукмрон бўлган.

Шулардан келиб чиқиб, терроризм динамикасини таҳлил қилганда у қуйидаги кўринишда таснифланди.

| Намоён бўлиши | Шарт-шароит |
|---|---|
| • Жамият ўзгариши жараёнидаги давлат терроризми *(Британия ва Ирландия орасидаги тўқнашув 900 йилдан бери давом этмоқда)* | Феодализмнинг емирилиши ва капиталистик ишлаб чиқаришнинг юзага келиши (XVI аср) |
| • Диктатура | Буюк француз инқилоби даврида якобинчилар диктатураси(1793-1814 йй.) |
| • Партизанлар уруши | Наполеонга қарши озодлик ҳаракати(1808-1814 йй.) |
| • Анархистик ҳаракат | Инқилобий жараённинг юзага келиши ва халқ оммасининг кенг жалб этилиши (XIX аср охири XX аср бошлари.) |
| • «Қизил» ва «оқ» террор | Россияда Октябрь тўнтаришидан кейин олиб борилган большевиклар сиёсати(1917-1920 йй.) |
| • Репрессия (қатағон) | Оммавий қатағонлар(1937–1938 йй.) |
| • Фашизм, миллатчилик, геноцид | Иккинчи жаҳон уруши даврида содир этилган ваҳшийликлар, холокост (1939-1945 йй.) |
| • «Сўл» терроризм | Иқтисодий танглик ва ишсизликнинг кўпайиши (XX асрнинг 70-80-йй.) |
| • «Ўнг» терроризм | • Социалистик лагерь мамлакатларида XX асрнинг 80-йилларида кетма-кет рўй берган инқирозлар, социализмнинг сўниши (XX асрнинг 80-90- йй.) |
| • Халқаро терроризм | XXI асрнинг интеллектуал ва техник имкониятлари, глобаллашув жараёни (2001 йилдан ҳозирги кунгача давом этмоқда) |

[1] Қаранг: Гоббс Т. Левиофан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского//Соч. В 2т.–М.:Мысль, 1991,–Т.2.–С.96.

Жамият ўзгариши жараёнидаги давлат терроризми, XVI асрда феодализмнинг емирилиши ва капиталистик ишлаб чиқаришнинг юзага келиши билан боғлиқ. Сиёсий зўравонликка асосланган давлат терроризмида ҳокимият бошқаруви тизими, асосан, террор ёрдамида амалга оширилган. Европанинг терроризм харитасига назар солсак, Буюк Британия унда алоҳида ўрин эгаллайди. «Бу ерда терроризм тўлқинлари гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб турган. Ислоҳотлар қақшатқич террор остида ўтказилди»[1]. Инглизлардан янги черковга сўзсиз бўйсуниш талаб қилинди. Талабни бажармаганлар эса давлатга қарши жиноятчи деб эълон қилиниб, ўлимга ҳукм этилди. 1541 йилда Генрих VIII ўзини Ирландиянинг қироли деб эълон қилиши Англия тахтига қарши курашнинг бошланишига асос бўлди. «XVII асрда протестант-инглиз ва шотландлар Ольстер вилоятига кўчиб келиша бошлашди. 1782 йилда Британия уларнинг Дублиндаги мустақил парламентини тан олишга мажбур бўлди. 1801 йилда эса бу парламент тарқатиб юборилди»[2]. Хуллас, Британия ва Ирландия орасидаги тўқнашув 900 йилдан бери чўзилиб келмоқда.

Диктатура кўринишидаги терроризм. Буюк француз инқилоби даврида терроризм деганда якобинчилар диктатураси, яъни ваҳима ва даҳшат туғдирувчи бошқарув тизими–якобизм тушунилган. Терроризмнинг бош мафкурачиси М.Робеспьер мамлакатдаги мавжуд қонунчилик инқилобни ҳимоя қила олмаслигини таъкидлаб, ўз хатти-ҳаракатини қуйидагича асослаган эди: «Агар тинчлик даврида халқ ҳукуматига хос нарса фозиллик (олийжаноблик) бўлса, инқилобда халқ ҳукуматига бир вақтнинг ўзида ҳам олийжаноблик, ҳам террор хос. Олийжанобликсиз террор ҳалокатга маҳкум, террорсиз олийжаноблик заифдир»[3]. Максимилиан Робеспьер 1794 йил 5 февралдаги Конвентда сўзга чиқиб «Террор–тез, аёвсиз ва қатъий ҳакамликдир»[4], –деган фикрни билдиради. 35–40 минг[5] киши якобинчилар терроризмининг қурбони бўлди. Хуллас, террор орқали диктатуранинг очиқ зўравонлик ва куч ишлатиш каби кўриниши, амалга оширилди.

Партизанлар ҳаракати кўринишидаги терроризм. Испанларнинг Наполеонга қарши озодлик ҳаракати даврида 1808–1814 йилларда партизанлар уруши кўринишида юзага келди. Партизанлар ҳаракати номунтазам қўшинларнинг душман армияси ортида ёки маҳаллий аҳолининг оккупациячи кучларга қарши кураши жараёни бўлиб, бундай ҳолларда портлатиш, қўпорувчилик, диверсиялар каби терроризм элементлари қўлланилади.

Анархистик ҳаракат кўринишидаги терроризм. XIX аср охири ва XX аср бошларида терроризмнинг таъсир доираси кенгайди. Бу даврда терроризм оммани инқилобий руҳлантирувчи воситага айланди ва унга халқ оммаси жалб этилди. Бу даврда ҳам терроризм икки кўринишда намоён бўлади. Россия подшоҳлиги даврида народниклар ва анархистлар фаолиятининг асосини терроризм ташкил этди. XIX асрнинг 70-йилларида рус анархистлари: «Сўз эмас, фақат террорчилик ҳаракатигина оммани ҳукуматга қарши қўзғата олади»,-деган даъватни олға суришган.

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Всемирная история. Т. IV.–М.: Издательство социально–экономической литературы, 1958.–С.330.

[2] Витюк В.В., Эфиров С.А. «Левый» терроризм на западе. История и современность.–М.:Наука,1987.–С.29.

[3] Veliay C. Disconrs et Rapports de Robespiere. P. 1908. -P. 332.

[4] Робеспьер М.Революционная законность и правосудие.Статьи и речи. –М.:1959.-С.210.

[5] Қаранг:Grrer D.The Inidence of the Terror during the French Revolution – Cambridge (Mass) 1935.

Народниклар терроризми Россия тарихида чуқур из қолдирган терроризмнинг бир кўринишидир. «1878 йил 24 январда 193 народник устидан суд қилиш арафасида Вера Засулич Санкт-Петербург генерал-губернатори Треповга ўқ узди. Бу ўқ узиш қатор суиқасдлар ва репрессия тўлқинларини юзага келтирди»[1]. 1870-1880 йилларда ҳаракат қилган террорчилик гуруҳлари орасида «Народная воля» гуруҳи Александр IIга нисбатан саккиз бор суиқасд уюштирди. Бу гуруҳ ишлаб чиққан сиёсий дастур 1860-1870-йиллардаги народниклар ҳаракати тажрибаси асосида тузилган бўлиб, мақсад зўравонлик ва куч ишлатиш ёрдамида монархияни йўқ қилишга қаратилган эди.

Давлат мафкураси кўринишидаги терроризм кўтарилиши ва оммавий тус олишининг тарихий илдизларидан бири Россияда Октябрь тўнтаришидан кейин олиб борилган большевиклар сиёсати бўлди. Унга «қизил» ва «оқ» террор деб ном берилди. Яқиндагина подшоҳ амалдорлари ўртасида террор уруғини сепган эсер ва анархистларнинг ўзлари отилганлар қаторидан жой олдилар. Чекистларнинг ўқларидан кўра, одамларнинг ялпи тенглиги ҳақида большевиклар тарқатган заҳарли ғоя қўрқинчлироқ бўлиб чиқди. Айни шу ғоя миллион-миллион оммани халқаро террорчиларнинг байроқлари остига жам қилди. Айни шу ялпи тенглик ғоясини дастак қилиб, беҳисоб талашлар, мусодаралар, тортиб олишлар амалга оширилди, айни шу ғоя йўлида сон-саноқсиз қурбонлар берилди. Большевиклар ўз террорчилик мақсадларини амалга оширишда ҳар қандай восита ва ғоялардан, шу жумладан халқ онгида эзгулик рамзи сифатида тасаввур қолдирган ғоялардан ҳам фойдаланганлар.

Репрессия кўринишидаги терроризмда террор давлатнинг ички сиёсатига айланиб, даҳшат, ваҳима, қўрқитиш ёрдамида аҳолини ўзига мажбурий бўйсундиради ва натижада қатағон давлат қуролига айланади.

Фашизм, миллатчилик, геноцид кўринишида халқаро характердаги нодавлат терроризм пайдо бўлди. У икки кўринишда намоён бўлди. Иккинчи жаҳон уруши даврида (1939-1945 йиллар) содир этилган ваҳшийликлар, минглаб концентрацион лагерларда ўнлаб давлатлар фуқаролари, бегуноҳ миллионлаб кишилар ваҳшийларча ўлдирилди. Бу даҳшатли тарихий воқелик бир неча авлод хотираси ва онгида даҳшат ва ваҳимани муҳрлаб қўйди ва унутилмас руҳий шикаст етказди.

«Сўл»терроризм мутахассисларнинг фикрича, терроризмнинг очиқ ҳаракати 1968 йилдан бошланган. Нодавлат терроризм ҳақидаги назарий тасаввурлар шаклланди ва «терроризм» атамаси кенг қўлланила бошланди. Бу даврда террорчилар онгли ва аниқ мақсадни кўзлаб, халқаро миқёсда ўз таъсирини намоён этишди. Ғарбий Европада ёш интеллектуал немислар Андреас Баадер, Ульрике Майнхофф ва Гудрун Эссолинларнинг террорчилик фаолияти юқоридаги фикримизнинг далилидир. Терроризмнинг тарихий ривожланиш босқичларига назар солсак, шу давргача у турли кўринишларда намоён бўлган. Айнан, шу даврда диний экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, шунингдек, этник ва миллатлараро зиддиятлар кескин қулоч ёйди. «Ўнг» терроризм социалистик лагерь мамлакатларида XX асрнинг 80-йилларида кетма-кет рўй берган инқирозлар, социализмнинг сўниши жараёнида юзага келди.

Халқаро терроризм. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари унинг янги кўринишларини юзага

---

[1] Камю А.Бунтуюший человек.Философия.Политика.Искусство Пер. с фр.–М.:Политиздат,1990.–С.245.

келтирмоқда. Терроризм кўзлаган мақсадини амалга оширишда қўллаётган воситалар энг замонавий интеллектуал ва техник имкониятларга эга бўлиб, кўлами жиҳатидан ҳеч қандай тўсиқ билмай, халқаро миқёсдаги глобал муаммога айланиб бормоқда. Диссертацияда халқаро терроризмга қуйидагича таъриф берилди. Халқаро терроризм–сиёсий мақсадларни амалга оширишда замонавий технологиялар ёрдамида сиёсий, миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлган, давлат суверенитетига, минтақа ва қитъаларнинг барқарор тараққиётига ҳамда халқаро хавфсизликка путур етказишга қаратилган сиёсий тусдаги жиноий ҳаракат.

Ҳозирги даврда эса террорчилик ташкилотлари камикадзе, шаҳидлардан кенг фойдаланишмоқда. Уларда қачонлардир аҳамиятга эга бўлган нарса ва муносабатларнинг қадри йўқотилади ва ички бўшлиқ шакллантирилади. Парокандаликдан чиқиш, қачонлардир ўзи қайд этган илоҳий куч билан қўшилиш учун Аллоҳ йўлида жонини қурбон қилиши лозим, деб уқтирилади. «Ҳаётга қизиқиш, ундан ҳайратланиш ҳисси йўқолар экан, инсоннинг онги остида ўлимга интилиш (тантанос кучи) зўраяди. Альтруистик муносабат ўрнини эгоизм эгаллайди»[1]. Буни ҳозирги ривожланган жамиятимизда террорчилик қўпорувчилик ҳаракатларининг кўпайиши мисолида кузатиш мумкин. Бундай ҳолатдан чиқиш йўли, мутафаккир фикрича, жамиятдаги инсонларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатини юксалтиришда, альтруизм ҳиссиётини кучайтириб боришдадир.

Диссертацияда, альтруизм инсон ички руҳий ҳолатида фақат ижобий оптимизм, бунёдкорлик, доимо яхшиликка интилиш каби хислатларни шакллантириши билан бирга, жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиши ҳамда ҳозирги глобаллашув жараёнида терроризмнинг туркум кўринишларига ва уларни юзага келтирувчи потенциал сабабларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этиши асослаб берилган.

Бобда бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик, тотувлик, озодлик сингари ижтимоий ҳодисалар ҳар бир индивиднинг ўзини сақлашга бўлган интилиши эканлиги ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихи мисолида таҳлил этилган.

Давлат кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечиришининг олий кўриниши, инсон эса ўз табиатига кўра ижтимоий-сиёсий мавжудотдир. Агар кимдир тасодифий ҳолатлар оқибатида эмас, балки ўз табиий кучи эвазига давлатдан ташқарида яшаётган бўлса, демак, у ё ахлоқий нуқсонга эга, ёки инсондан ҳам юксак даражадаги мавжудотдир. «Бундай унсурлар, – деган эди Гомер, – «уруғсиз, қабиласиз, қонунсиз одам». Бундай одамнинг табиати фақат урушни қўмсайди»[2]. Форобий давлатни соғлом инсон танасига ўхшатади. Бу тананинг ҳамма аъзолари тананинг соғлиғини ва камолотини таъминлаш учун бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўлганликлари ва бир-бирларига ёрдам берганликлари каби, фозил шаҳар-давлатнинг фуқаролари ҳам бир-бирларига боғлиқдирлар. Уларнинг ҳар бири маълум мавқега эга ва маълум вазифаларни амалга оширади[3]. Гоббс фикрича, фақатгина давлат инсоннинг тинчлигини таъминлашни, жонини сақлашни кафолатлайди. Давлатсиз одамлар ўзларини

---

[1] Фромм Э. Иметь или быть?: Пер. с анг./Общ. ред. В.И. Добренськов.–2–е изд.,доп.–М.: Прогресс, 1990.–С.93.

[2] Аристотель. Сочинение в 4–томах, т. IV, трактат «Политика», –М.: Мысль, 1983, –С. 378-379.

[3] Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида.–Тошкент:Ёзувчи, 2001. –Б.33-34.

хавфсиз ҳис қилмаган, ҳамма фақат ўзига ишониши лозим бўлар эди, деган хулосага келган[1].

Ибн Синонинг фикрига кўра, жамоа тузуми унинг аъзоларини ўзаро ёрдамлашиш ва ҳамкорлик меъёрлари асосида барқарор бўла олади. «Агар улар орасида низо рўй берса, уларнинг ҳар бири адолатни шундай нарса, деб билсинки, у нарса жамоа аъзоларининг барчаси учун фойдали бўлсин, адолатсизликни шундай нарса деб билсинки, у нарса жамоа аъзолари учун зиён келтирувчи ҳисоблансин»[2]. Аллома мамлакат ва вилоят ичкарисида ижтимоий гуруҳ ҳамда табақалар орасида юзага келадиган қарама-қаршилик ва келишмовчиликлар сабаби баъзиларнинг бойликка, мансабга ҳирс қўйишида, деб билади. Мутафаккирлар фикрларининг ҳозирги давримиз учун ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари устувор бўлган жамиятда ҳар томонлама мустаҳкам ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади.

Терроризм онгли ҳодиса бўлиб, у зўравонликка асосланиш натижасида қўрқув, ваҳимани юзага келтиради. Зўравонлик нафақат айрим шахсларга, балки бутун бошлиқ халқларга, давлатларга ҳам ҳалокатли таъсир ўтказиши мумкин. Зўравонлик жамиятни бузиш хусусиятига эга, у жамиятнинг илғор вакилларини йўқота бориб, миллат генофондини пароканда қилади.

Макиавелли инсоннинг табиати тарих давомида асосан ўзгармай қолади, деб тушунган. У тарих, бинобарин, инсонларни ҳам, масалан, давлатларнинг юзага келиши равнақи ва таназзули шаклидаги циклик ўзгаришлар субъекти деб фараз қилади[3]. Ушбу шартдан келиб чиқиб, ўтмиш даврдаги сиёсий ҳодисаларни ўрганиш, ҳозирги кун тараққиёти, барқарорлиги ва тинч ҳаёт кечиришга хавф солаётган тўқнашувлар натижасида юзага келаётган экстремистик ҳаракатларга, терроризмга қарши курашда фойда бериши мумкин бўлган билимларни орттириш мумкин. Диссертацияда терроризмга қарши курашнинг қуйидаги тарихий-фалсафий тамойиллари таклиф қилинган:

- давлат–инсоннинг тинчлигини таъминлаш ва жонини сақлашни кафолатлайдиган ягона механизм;
- нафс ва худбинлик турли одамлар, гуруҳ, тоифа, табақалар орасида ўзаро низолар, беъмани олишувлар, конфликтлар каби ижтимоий зиддиятлар сабаби ва террорнинг ўзига хос намоён бўлиши;
- зўравонлик, куч ишлатиш, вайронкорлик каби террорчилик иллатларининг олдини олишда юксак инсоний фазилат ва хусусиятларни шакллантириш илм-фан, таълим-тарбия, маданият, маънавий мерос ёрдамида амалга оширилиши;
- ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тотувлик, бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик ва муроса каби умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий барқарорликнинг кафолати;
- инсоният қолдирган бой моддий ва маънавий мерос ёрдамида жамоа аъзолари онги ва эътиқодида альтруизм, бунёдкорлик, доимо яхшиликка интилиш каби хусусиятларнинг шакллантириши;
- юксак ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ахборот тарқатишда этика (ҳалоллик) тамойилига асосланиш;

---

[1] Гоббс Т. Левиофан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского//Соч. в 2 т.–М.: Мысль, 1991.–Т.2.–С.95-96.

[2] Болтаев М. Абу Али ибн Синонинг фалсафий–ижтимоий таълимоти. –Бухоро, 2001. –Б.17.

[3] Макиавелли Н.Государь.–М.: Планета, 1990.–С.29–32.

- инсонпарварлик ғояларини ҳаёт мазмунига айлантиришда назарий ва амалий ёндашув ҳамоҳанглигини таъминлашда фақат одамгина ягона масъул.

*«Терроризмнинг диний фундаментализм ҳамда экстремизм билан алоқадорлиги» деб номланган бобнинг учинчи қисмида* терроризмнинг диний фундаментализм ва экстремизм билан алоқадорлиги, фундаментализмнинг тарихий вужудга келиши жараёнининг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва мафкуравий илдизлари тадқиқ этилган.

Дин ва терроризм орасидаги боғланиш янги ҳодиса эмас. ХХ асрда сиёсий партияларнинг ривожланиши натижасида, уларнинг ўрнига мафкуравий ва сепаратистик терроризм юзага келди. Собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин эса сепаратистик ташкилотлар сони кескин камайиб, унинг ўрнига диний ташкилотлар ва ҳаракатлар сони анча кўпайди. Халқаро терроризмнинг вужудга келиши ва халқаро миқёсда кенг тарқалишининг сабабларидан бири, у диний эътиқоднинг айрим масалаларидан фойдаланадиган ғоявий манбалар фундаментализм ва маълум даражада унинг асосида келиб чиққан диний экстремизм бўлган.

Фундаментализмнинг вужудга келиши ва кенг тарқалиши кўп жиҳатдан унинг дастури омманинг ижтимоий ва диний эҳтиёжига қаратилгани туфайлидир. «Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари, авваламбор, ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир»[1].

Диссертацияда фанатизмнинг худди ана шу унсурлари ва тамойиллари маълум даражада фундаментализм асосида вужудга келганлиги далиллар асосида таҳлил этилган. Ҳар бир диндаги фундаментализм бошқа динларга нисбатан муросасиз бўлибгина қолмай, балки, шу билан бирга, мазкур диннинг ўз ичидаги ҳар қандай янгиланишга, мўътадил муҳитнинг вужудга келишига йўл қўймаган ҳам. Шунингдек, у ҳар қандай янгича фикр билан ёндашишга тиш-тирноғи билан қарши бўлган консерватив, мутаассибона ҳаракат бўлиб келган. Диний фундаментализмнинг ана шу томонларини терроризм бошқа динга мансуб бўлган халқлар яшовчи мамлакатларга нисбатангина эмас, балки ўзи мансуб бўлган динга эътиқод қилувчи мамлакат ва халқларга, ҳатто, ўз мамлакати ва халқига нисбатан ҳам «вайронкор куч» сифатида ғоявий асос қилиб олган.

Масаланинг яна бир ачинарли томони шундаки, диний фундаментализм ҳар қандай тараққиётни, ҳозирги даврда инсоният эришган қадриятларни инкор қилади. Бу эса, диний мутаассиблик билан бирга, сиёсий, ғоявий мутаассибликнинг ҳам келиб чиқишига сабаб бўлади. Ғоявий мутаассиблик шахсни маълум идеалларнинг, яъни ҳаётнинг мазмуни деб билган орзу-умидларнинг ғалабаси учун ўзини қурбон қилишга ва маҳрумликларга дучор бўлишга тайёрлайдиган ҳолатдир. Сиёсий мутаассиблик сиёсий мақсадлари, қарашлари, маълум сиёсий тизим, ҳокимият ва тартибларнинг беистисноligини тиш-тирноғи билан ҳимоя

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент:Ўзбекистон,1997.–Б.32.

қилиш ва айнан ана шу нарсалар учун қурбон беришни талаб қилишдир. Ҳокимиятга ташналик сиёсий мутаассибликнинг асосидир.

Православие фундаментализми кўп ҳолларда миллий туйғулар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Православиенинг қайта тикланиши, энг аввало, Русь Россиясининг қайта тикланиши деб қаралади.

Ҳиндистонда бу ҳодисани ҳиндуизмда кузатиш мумкин. «Индус радикал фундаментализмида «Хундугва»ни қайта тиклаш, унинг таълимотича, Ҳиндистонни исломдан ҳамда маданият ва демографиядаги европалашишдан қутқариш ғояси илгари сурилган»[1].

Ислом фундаменталистларининг асосий мақсади барча мусулмонлар бирлашиб, ҳокимиятни қўлга олиши ва шариат асосида бошқариладиган диний давлат тузишдан иборат. Қайд этилган ҳолатлар ғоя ҳам, эътиқод ҳам эмас, балки маълум мақсадни кўзлаган сиёсий экстремизмнинг намоён бўлишидир. Халқаро терроризмнинг барча шакллари ўз фаолиятида диний фундаментализмнинг «ғоя»ларидан у ёки бу даражада «маънавий» озуқа олиши яққол намоён бўлмоқда.

Диссертацияда фундаментализмга моҳияти йўқолиб кетган қадриятларни, қайта тиклаш ва уни барча бегона, қабул қилинган новациялардан поклаб, унга ҳақиқий кўринишини қайтаришдан иборат бўлган феномен деб таъриф берилган. Турли дин қобиғида ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида вужудга келган диний фундаментализм–мангу муқаддас матнлардан диний-сиёсий тамойилларни олиб чиқиш, яъни диний цивилизациянинг илк кўринишига қайтишдир. Бунда диний фундаментализмнинг мафкураси маълум бир дин табиати билан, яъни диннинг илк кўриниши билан боғлиқ бўлади.

. Сиёсатда радикализм муайян тарихий шароитларда сиёсий экстремизмга айланиши мумкин Баъзида «радикализм» атамаси «экстремизм» тушунчасига синоним сифатида ишлатилади. Бу икки тушунча орасида маълум даражада фарқ мавжуд. Экстремизмдан фарқли ўлароқ, радикализм биринчи навбатда ғоялар мазмунига, кейинги навбатдагина уларни амалга ошириш услубларига эътибор қаратади. Экстремизм эса кескин чора кўрувчи бўлиб, ҳар доим ҳам ғоявий бўлавермайди. «Радикализм» XVIII асрда саноат инқилоби даврида Англияда 1832 йилги сайлов тўғрисидаги ислоҳотга қарши чиққанлар орасида пайда бўлган. Кейинчалик бу тушунча утилитарист И.Бентану ва унинг издошлари «фалсафий радикаллар»га нисбатан ишлатилди. Янги даврда радикализм буржуа-демократик шиорларда акс этган. Дж.Локк, Ж.-Ж. Руссо каби мутафаккирлар янги рационал тартибларда мавжуд анаъаналарга нисбатан радикал ўзгаришларнинг зарурлигини исботлашга ҳаракат қилишган. Анархизм асосчиси У.Годвин эса мураккаб ижтимоий институтларнинг кераксизлигини инсонда онг ва эркинликнинг мужассамлиги билан асослашга ҳаракат қилган. Ушбу ғояларга суянган ҳолда ғоявий радикализмдан инқилобий экстремизмга ўтиш амалиётини, яъни сиёсий француз радикализмини якобинчилар Буюк Француз инқилобида қўллашган.

Диссертацияда динда ҳам мутаассиблик ва фундаментализм диний экстремизмга айланиши мумкинлиги турли мамлакатларда вужудга келган экстремистик гуруҳлар фаолияти мисолида ёритиб берилган. Президентимиз

---

[1]Бельский А., Рашковский Е. Россия и Индия: сопоставление фундаменталистских вызовов // Россия и мусульманский мир. –1997. –№ 1. –С. 45.

И.А.Каримов экстремизм хавфи ҳақида тўхталиб, шундай таъкидлайди: «Аслини олганда, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар анча серқирра. Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади»[1].

Диний экстремизм буйруқларни сўзсиз бажаришга, диний матнларга кўр-кўрона ишонишга, ақлга эмас, ҳис-туйғуларга, баъзан хира шуурларга, омманинг, тўданинг инстинктига суянган зўравонликка мойил ҳаракат.

Диссертацияда мутаассиблик (фанатизм), фундаментализм, экстремизм, гарчи тарихий келиб чиқиши ва бошқа баъзи жузъий жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилса ҳам, оқибатда халқаро воқелик сифатидаги терроризмда намоён бўлаётганлиги асослаб берилган.

Айрим «сиёсат»чи ва тадқиқодчиларнинг халқаро терроризмнинг вужудга келиши ва тарқалишида фақат маълум бир гуруҳ давлатларни, аниқроғи, араб-мусулмон давлатларини айблаши тарихий ҳақиқатга зид эканлиги қатор мисоллар ёрдамида асослаб берилди. Чунончи, Беньямин Нетаньяху халқаро терроризмнинг ягона ўчоғи араб-мусулмон давлатлари эканлигини таъкидлаб ёзади: «... Бу террорчи давлатлар ва ташкилотлар биргаликда террорчилик тўрини ташкил қилиб, уларнинг таркибий қисмлари фақат сиёсий жиҳатдан эмас, балки жанговар фаолият жиҳатидан ҳам уни қўллаб-қувватлайдилар»[2]. Албатта, ҳозирги даврда халқаро терроризмнинг вужудга келишида ислом фундаментализми ва экстремизмининг ўрнини инкор этиш мумкин эмас.

Диссертациянинг **«Терроризмнинг асосий йўналишлари»** деб номланган иккинчи бобида террорчилик глобаллашувининг сабаблари, «сўл» ва «ўнг» террорчиликнинг салбий оқибатлари, шунингдек, «миллатчилик» деб аталмиш носоғлом мафкуранинг сиёсийлашуви асосида вужудга келувчи миллатчилик терроризмининг моҳияти, унинг ўта хавфли ижтимоий-сиёсий, ғоявий оқибатлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Бобнинг *биринчи қисми «Терроризмнинг глобаллашуви ва Ғарб мамлакатларидаги «сўл» ва «ўнг» террорчиликнинг ўзига хос фаолияти » деб номланган.*

Ҳозирги даврда терроризмнинг глобаллашуви инсоният жамияти олдида турган бир неча халқаро муаммолар билан боғлиқ. Шунинг учун терроризмнинг глобаллашувида фақат сиёсий ва ҳарбий омиллargина белгиловчи аҳамиятга эга бўлмай, балки халқаро миқёсда катта муаммоларга сабаб бўлаётган бошқа омилларни ҳам назарда тутмоқ керак. Терроризмнинг ҳозирги даврдаги глобаллашуви, юқорида таъкидланганидек, бир неча халқаро муаммолар билан боғлиқ.

Биринчидан, бунга шубҳасиз, кўпгина ривожланган мамлакатларда рўй берган танглик (кризис) ҳолатлари киради. Терроризмнинг шиддатлашуви XX асрнинг 70-80- йилларига тўғри келгани ҳам тасодифий ҳол эмас. Иқтисодий танглик ва ишсизлик, ҳарбий харажатлар ҳамда нарх-навонинг ошиши, жиноятчилик сингари муаммолар кўпгина мамлакатларни мураккаб аҳволга солиб қўйди.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XIX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.– Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 14.

[2] Қаранг: Беньямин Нетаньяху. Война с терроризмом // Перевод с английского. –М.:2002 –С.16.

Иккинчидан, инқилобий жараёнлар, бутун дунё ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракатлар, миллий озодлик курашлари билан боғлиқ муаммолар. Улар иқтисодий ва сиёсий тангликнинг «орқа томони» билан боғлиқ. Табиийки, иқтисодий ва миллий эзилиш оқибатида нафақат инқилобий ва миллий озодлик ҳаракатлари, балки уларга бутунлай ёт бўлган қарашлар, ғоялар, мафкура ва ҳаракат ҳам юзага келиши мумкин. Бунга кўпгина ривожланаётган мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатлари эволюцияси тарихида ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Жумладан, ўз мустақиллигини 60–70-йилларда қўлга киритган Осиё ва Африка мамлакатлари ҳанузгача гегемонликка даъвогар давлатлар сиёсатининг қурбони бўлиб келишмоқда.

Учинчидан, айрим мамлакатларнинг терроризмга икки ёқлама ёндашишидир. Баъзи тарихий ҳужжатлар ва маълумотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги даврда терроризмга қарши фаол курашаётган айрим давлатларнинг ўзи муайян тарихий шароитларда сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги даврда халқаро терроризм тусини олган ташкилотларни сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан баъзан яширин, баъзан ошкора равишда қўллаб-қувватлаган ҳоллари ҳам бўлган ва бўлаяпти. Таъбир жоиз бўлса, бундай ҳолатни бир қўл билан силаб туриб, иккинчи қўл билан шапалоқ урмоқ, деб баҳолаш мумкин.

Тўртинчидан, бу масалага мутлақо бир ёқлама, эҳтимолки, ғаразли мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан ёндашилиб, ҳозирги замон халқаро терроризмининг вужудга келиши ҳамда кенг миқёсда тарқалишининг асосий айбдорлари қатор мусулмон-араб давлатлари ва ислом динидир, деб даъво қилинмоқда. Аслида эса, ҳақиқат бошқача, чунки ислом ниқобидаги терроризмдан фақат АҚШ, Исроил, Россия ёки бошқа Европа давлатларигина жабрланаётгани йўқ, балки қатор араб мамлакатлари ҳамда аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатлар ҳам бу фожиадан холи бўла олишмаяпти.

Бешинчидан, мамлакатлар ва минтақалардаги террорчи ташкилотлар ўртасида халқаро алоқаларнинг кучайиб боришидир. Бу терроризм глобаллашувининг янги йўналишидир. Уюшмалар миллий чегаралар доирасидан чиқиб, террорчилик тузилмалари манфаатларини бирлаштириш учун шароит яратишмоқда. «Энг йирик гуруҳлар раҳбарларининг турли миллатларга мансуб террорчи тузилмалар ҳаракатини мувофиқлаштириш учун маслаҳатлар ва учрашувлар ўтказганлигини бунга мисол сифатида қайд этиш мумкин. Уларда кучли ахлоқий-руҳий таъсир ўтказиш ва жамоатчиликнинг диққатини жалб этиш учун ташвиқот-тарғибот ишлари йўлга қўйилган»[1].

Олтинчидан, ҳозирги даврда диннинг сиёсийлашуви ҳамда диний экстремизм муаммоси глобал муаммога айланмоқда. «Конфронтация вируси борган сари мустаҳкамланиб, динлараро муносабатлар стратегик глобал муаммолар даражасига ўтмоқда».[2] Бу билан терроризм ҳамда диний экстремизм глобаллашувининг параллел ривожланиш жараёни кузатилмоқда. Диний экстремизм сиёсий экстремизмнинг юқори шакли ва манбаи

[1] Тувер А.И.Проблема терроризма на рубеже третьего тысячилетия новой эры. Htip //wwwe–journal/Euro–st–3html

[2] Қаранг: Шведев В. Религия и политика // Международная жизнь. 1992. №5.–С.59.

эканлигини ҳисобга олиб, глобаллашув шароитида унга таъсир кўрсатилмаса, терроризмга қарши курашда муаммолар вужудга келаверади.

Еттинчидан, кейинги йилларда терроризм билан тобора бирикиб кетаётган агрессив сепаратизм турли экстремистик кучлар учун озиқлантирувчи манбага айланди. Сепаратизм давлатларнинг ички зиддиятлари ва минтақавий беқарорликнинг бош омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, глобал терроризмга қуйидагича таъриф берилган. Глобал терроризм–терроризмнинг зўрайиши ва глобал миқёс касб этиши, жаҳон сиёсатининг дунё яхлитлигини сақлаб келаётган йўналишларига сезиларли таъсир кўрсатувчи, ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хиллиги ва бутун ер шари, бутун башарият, жаҳон цивилизациясига қарши қаратилган офат, хавф-хатар.

Халқаро террорчиликни озиқлантираётган терроризм глобаллашувининг сабаблари ҳақида сўз борганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, уюшган террорчилик тузилмаларининг вужудга келиши манбалари ҳар қайси мамлакат ва минтақа учун ўз хусусиятига эга, бироқ унинг ижтимоий-иқтисодий, диний ва бошқа негизларининг таҳлили баъзи бир омилларнинг алоҳида минтақалар учун умумийлиги ҳақида гапиришга асос бўлади. Масалан, Европанинг қатор мамлакатларида 60-70-йилларда терроризмнинг фаоллашуви сўл радикал йўналишдаги «ёшлар исёни» билан, Яқин Шарқда эса, у 2000 йилнинг октябрь ойида қайта аланга олган Фаластин–Исроил можароларининг кучайиши билан боғлиқ. Марказий Осиёда экстремистларнинг уюшган террорчилик фаолиятини Афғонистондаги уруш вужудга келтирди. Бунинг оқибатида Тожикистонда фуқаролар уруши юз берди. Бу жараёнларнинг кетма-кетлиги, ўз навбатида, халқаро терроризмнинг қўшни давлатлар – Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларига таҳдиди кучайишини келтириб чиқарди.

Диссертацияда терроризмнинг «сўл» ва «ўнг» йўналишлари ҳар хил шароитлар тақозоси билан вужудга келгани таҳлилий ёритилган. Айтиш мумкинки, «сўл» кайфиятдаги террорчилик тарихий жиҳатдан Буюк Француз инқилоби билан боғлиқ бўлган. XX асрнинг бошидан фаолият юритган ва 1917 йилда Октябрь тўнтаришини ташкил қилиб, ҳокимиятни зўрлик билан қўлга киритган большевиклар ҳам ўзларининг ички ва ташқи сиёсатида «сўл» террорчилик тактикасини қўллаганлар. Бу сиёсат Сталин даврида ҳам, ундан кейин ҳам то собиқ СССР парчаланиб кетгунича, фақат бошқачароқ кўринишда ва бошқачароқ шиор остида давом этди.

Инқилобий террордан фарқли ўлароқ тотал террор умуман ҳеч маҳал қурбон танламайди. Бундай террор чегарасида ҳар бир одам унинг реал ёки эҳтимолий қурбони, айни вақтда унинг жаллоди бўлиши мумкин. Масалан, Германиядаги нацист режимида давлат механизмида биринчи даражали ўринни худди шу террор эгаллаган. Гитлер режими оммавий террорни, яъни террор сиёсатини тўла-тўкис амалга оширди.

XX асрнинг 60-йилларини «сўл» терроризмнинг янги кўринишда тикланиш даври деб ҳисоблаш мумкин. Булар орасида қонли жиноятлар содир этганлиги билан машҳур бўлганлари Италиядаги «Қизил Бригадалар» (Бригате росси – БР), Франциядаги «Аксьон директ», Германиядаги «Қизил байроқ» ва бошқа шу каби гуруҳлардир. Лотин Америкасидаги, хусусан, Аргентинадаги «Миллий озодлик ҳаракати», «Инқилобий халқ армияси», 1968 йилдан АҚШда фаол ҳаракат қила бошлаган «Қора қоплонлар» террорчилик ташкилотларидир. Сохта инқилобий шиорлар билан

ниқобланган «сўл» террорчилик ташкилотларига хос бўлган нарса анархизм, троцкизм, «истеъмолчилар жамияти билан кураш», «эски дунёни емириш» каби ғоялардир.

Умуман, ўтган асрнинг 90-йилларига келиб «сўл» террорчилар фаолиятининг сўнишига Европада социализм тузумининг емирилиши, марксизм-ленинизм ғоясининг барбод бўлиши, Варшава Шартномасининг ўз кучини йўқотиши, Шарқий Европа мамлакатларининг Ғарб мамлакатлари билан алоқалари яхшиланиши ҳам сабаб бўлди. СССРнинг парчаланиши «совуқ уруш» ваҳимасини йўққа чиқарди. Бу ҳодисалар туфайли «сўл» террорчиларни собиқ социалистик давлатлар томонидан молиявий таъминлаш, қуроллантириш, уларнинг машғулотларини ташкил этиш каби ҳолатлар ниҳоясига етди «Ўнг» террорчилик ташкилотларининг фаолияти, гарчи «сўл» террористик ташкилотларники каби ўта сиёсийлашган бўлмаса ҳам, ўзининг тажовузкорлиги, инсон ҳуқуқларини поймол қилишда ўта ғайриинсонийлиги жиҳатидан ва буларнинг оқибатида жамиятга, ундаги айрим гуруҳларга, муайян шахсларга улкан жисмоний ва маънавий жароҳат етказувчи ижтимоий ҳодисадир.

Мазкур бобнинг *иккинчи қисми «Миллатчилик терроризми: мақсад ва моҳияти»* деб номланган. Миллатчиликнинг келиб чиқишининг асосий сабаби миллатларнинг бағрикенгликни инкор этиши билан боғлиқ. Айрим буюк ва катта миллатлар ўз манфаатларини кўзлаб, миллатга ўта ва алоҳида урғу бериши миллатлараро конфликтни келтириб чиқаради. Жаҳондаги энг кучли мафкура миллатчилик мафкураси бўлиб, миллий манфаатларга оид конфликтлар вужудга келган пайтда ўта хавфли тус олади. Миллатлараро конфликтларнинг сабаблари жуда кенг доирали бўлиб, этник мунозаралар, ижтимоий-иқтисодий тенгсизликлардан тортиб мафкуравий рақобатгача ва, ҳатто, ҳокимият учун очиқдан очиқ курашгача бўлган ҳодисаларни қамраб олади.

Миллатчилик мақсади бир миллатни бошқа миллатдан устун қўйиш психологияси ва ғояси, фикри ва сиёсатига асосланиб, миллий адоват ва ирқий нафрат уруғини сочишдир. Миллатчилик биттагина миллатнинг муддаосини ҳимоя этиб, бошқа миллатнинг эҳтиёжини писанд қилмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракат сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон сиёсатининг муқаррар ва зарур қонун-қоидаси миллатларнинг ўзаро муносабатларида сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенгликларини тан олишга қаратилган. Демак, миллатчилик–ўз миллатини ва унинг манфаатларини худбинлик заминида мутлақлаштириш йўлида бошқа миллатнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларни камситиб, уларга тазйиқ кўрсатиб, ижтимоий адолатсизликлар туғдирадиган ғайриинсоний иллат.

Миллатчилик терроризмига қарши кураш қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади:

– буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик инерциясининг ҳали ҳам давом этиб келаётгани;

– ҳозир ҳам муайян кучлар ва давлатлар томонидан турли имкониятлардан фойдаланган ҳолда, турли шаклларда сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронликни сақлаб қолишга интилишнинг мавжудлиги;

– жамиятда юз берган у ёки бу инқироздан ўз ғаразли манфаатларини амалга оширишда фойдаланишга интилувчи муайян кучлар ва гуруҳлар борлиги;

– ўз манфаатлари ва ҳуқуқлари учун курашаётган миллатнинг қаршилиги кутилмаган ҳолда носоғлом тус олиши, ҳатто, айрим кучлар қутқуси билан террорчилик ҳаракатига айланиб кетиш эҳтимоли мавжудлиги;

– буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик муайян шароитлар туғилганда миллатчилик терроризмининг сиёсий ва мафкуравий манбаи бўлиб хизмат қилиши.

Бундай вазиятлар жамиятни парчалаб юборишга ва унинг учун оғир бўлган оқибатларни келтириб чиқаришга қодир. Инсоният тарихига назар солинса, шовинизм ва агрессив миллатчилик давлатнинг ўзига зарба берганини, унинг пойдеворини кучсизлантирганини, ички зиддиятларни кучайтирганини кўриш мумкин.

Этник ва миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий жиҳатдан одилона ҳал қилиниши, энг аввало, ҳар бир мамлакат ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Табиийки, бундай шароит мавжуд бўлган мамлакатда терроризмнинг ҳозирги даврда кенг тарқалиб бораётган кўринишларидан бири бўлган миллатчилик терроризмининг тарқалиш имкониятига чек қўйилади. Бунинг ёрқин исботини мамлакатимиз мисолида кўришимиз мумкин.

Кўплаб замонавий сиёсий конфликтлар диний ва миллатлараро муносабатлардаги ноуйғунлик билан характерланади. Яъни ўша ноуйғунликлар орқасида ҳаракатга келтирувчи куч сифатида муайян сепаратистик ёки диний уюшмалар турганлигини кўриш мумкин.

Яна бир сабаб шундан иборатки, дунёда мавжуд бўлган этнослар сони билан мавжуд давлатлар сони ўртасида объектив равишда вужудга келган тафовут бор. Бунинг устига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни ўзида мужассам этган «Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль» кўпгина мамлакатларнинг ўз давлатчилигига эга бўлмаган этносларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишга даъват этади. Токи, улар «мана шу ҳуқуқ асосида ўзларининг сиёсий мавқеини тиклаб, ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини мустақил равишда таъминлаб олсинлар»[1].

Афсуски, узоқ ўтмишдан «мерос» бўлиб ўтган бу ёвуз «анъана» инсониятнинг энг яқин тарихида ҳам содир бўлди. Этник мансублигига қараб бутун халқларни ва элатларни оммавий қирғин қилишга қаратилган бу террор XX асрда ҳам дунёнинг турли чеккаларида юз берди. Ачинарлиси шундаки, бундай жараён қонунчилик ҳамда инсон шахсига ҳурмат анъаналари кучли бўлган мамлакатларда ҳам содир бўлди. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар Германиясида гитлерчилар томонидан яҳудий, славян ва бошқа халқларнинг оммавий тусда қирғин қилиниши бунга яққол мисол бўла олади. Собиқ Иттифоқда ҳам, гарчи бошқачароқ мафкура ҳамда бошқачароқ сиёсий, ҳарбий «шароит тақозоси» рўкач қилинган ҳолда бўлса ҳам, моҳиятан айрим халқларга нисбатан худди шундай «сиёсат» олиб борилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида собиқ Иттифоқда яшовчи

[1] Қаранг: Международный билль о правах человека. 1990.– №2. Женева. Центр по правам человека. ООН. С.8.

Поволжье немислари, ингушлар, қорачойлар, чеченларнинг, Қрим Автоном Республикасининг миллий давлатчилиги тугатилди ва ушбу халқлар ватанларидан узоқ-узоқларга бадарға қилинди. Шунинг учун ҳам 1948 йилда қабул қилинган «Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида»ги халқаро конвенция геноцидда қатнашган шахсларга нисбатан халқаро жиноят содир этган деб қарор чиқарди.

Миллатчилик терроризми қандай ижтимоий-сиёсий, тарихий шароитлар тақозоси билан юзага келмасин, ҳозирги даврда қандай ғоялар ва шиорлар билан ниқобланмасин, уни мустамлакачиликка, тоталитаризмга қарши курашган миллий озодлик ҳаракатлари билан аралаштириб юбориш мумкин эмас. Зеро бу ҳар икки ҳаракат ўртасида сиёсий, мафкуравий, ғоявий ва маънавий жиҳатлардан ҳеч қандай умумийлик йўқ. Ваҳоланки, тарихда миллий озодлик ҳаракатларига турли ғаразлар, мақсадлар билан худди шундай муносабатда бўлинган. Чунончи, ўз миллий озодлиги учун курашган ўзбек халқи фарзандлари «босмачилик»да, «халқ душмани»ликда, «пантуркизм»да жиноий айбланганлар. Афғонистонга ҳеч қандай асоссиз бостириб кирган совет қўшинларига қарши бош кўтарган афғон жангчиларига очиқдан-очиқ афғон халқининг «душман»и деган ном берганлар. Аслида, бу ҳаракатларнинг миллатчилик терроризми билан ҳеч қандай умумий томонлари бўлмаган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин. Гарчи миллатчилик терроризми ўзининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий келиб чиқиши сабаблари жиҳатидан экстремизм ва сиёсий терроризмдан фарқ қилса-да, аммо олиб бораётган кураш усуллари, фойдаланаётган воситалари ҳамда муайян давлатлар, халқлар ва умуман халқаро ҳамжамиятга солаётган хавфи жиҳатидан улар ўртасида боғланиш борлигини кузатиш мумкин. Иккинчидан, миллий муносабатлар масаласида миллий-давлат муаммоларидек нозик масалани ҳал этишга айрим ҳукуматларнинг ноқобиллиги ёки истамаслиги зўравонлик, оммавий қирғин, портлатиш каби жиноий амалларнинг нафақат фаоллашуви, балки қўллаб-қувватланишига ҳам шароит яратади.

Бобнинг *учинчи қисми «Ислом ниқобидаги терроризм, унинг тарихий ва ғоявий илдизлари»* деб номланган.

Диссертацияда ислом ниқобидаги терроризмнинг тарихий шакллари ва ғоявий илдизларини ўзида мужассам этган ҳашшошийлар хусусида тўхалиб ўтилган. Хорижий тадқиқодчилар[1] томонидан ислом дини ниқобида ҳаракат қилаётган террорчиларга нисбатан «исломчилар» иборасини қўллаш назарий, амалий ва мантиқий нуқтаи назаридан мунозарали эканлиги, ўзбек тилида уларга нисбатан шартли равишда «ислом ниқобидаги террорчилар» иборасини қўллаш ҳақиқатга мос келиши ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилди. И.А. Архипованинг тадқиқотида: «исламист» атамаси «исламизм тарафдори» маъносини англатиб, махсус мурожаатлар ва сиёсий ҳужжатларда «исламизм», «терроризм» атамасига синоним сифатида ишлатилган. Бунга «ал-Қоида» халқаро террорчилик ташкилоти томонидан қатор террорчилик

[1] Қаранг: Ольшанский Д.В. Психология терроризма. – СПб. Питер 2002; Артомонов И.И. Терроризм: способы предотвращения и методика расследования. – М.: 2002; Ключников Б. Исламизм: США и Европа. – М.: 2003; Нетаньяху Б. Война с терроризмом – М.: 2002.

ҳаракатларининг амалга оширилиши сабаб бўлган»[2], –деган фикр келтирилган. Тадқиқотда бундай террорчиларга нисбатан рус тилида «исламист» иборасини ишлатиш мунозарали эканлиги асослаб берилган. Гарчи ислом динини ниқоб қилиб олган турли террорчилик партиялари ва ташкилотлари ўртасида маълум умумий жиҳатлар мавжуд бўлса-да, уларни ҳатто ўзбек тилида ҳам бир умумий ном билан, яъни «ислом террорчилари» ёки юқоридаги муаллифлар ишлатган ибора билан «исломчилар» («исламист») деб аташ масаланинг моҳиятига чалкашлик киритиши мумкин. Бу, айниқса, ислом динига мансуб бўлмаган халқларда ислом дини ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Бундай қарашларнинг ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият учун ўта зарарли оқибати шундаки, «башарти кимда-ким исломни ва исломий маданият давлатларини янги «ёвузлик салтанати» ва ялпи хавф-хатар ҳудуди деб тасаввур қилса, бу ҳол XXI асрнинг бутун келажак тарихи учун фожиали хато бўлур эди»[1]. Ислом динини ниқоб қилиб олган террорчилик ҳаракатлари билан инсоният катта қисмининг маънавий қадриятларидан ҳисобланмиш ислом дини ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Энг муҳими, террорнинг дини, миллати, ватани бўлмаслигини ҳеч ким, ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги зарур.

Халқаро терроризмнинг бошқа кўринишлари каби, ислом дини ниқоби остида вужудга келган ва тобора кенг тарқалиб, халқаро кўлам касб этиб бораётган терроризм сабабларини таҳлил қилишда масаланинг ана шу томонига ҳам эътибор қаратмоқ зарур.

Диссертацияда, шунингдек, ваҳҳобийлик кейинги даврда террор услубини қўлловчи – «Мусулмон биродарлар», «ал-Жиҳод», «ал-Қоида», «Ҳизб ут-таҳрири исломий» каби турли экстремистик ва террорчилик ташкилотлари учун сиёсий, мафкуравий ва ғоявий манба бўлиб хизмат қилганлиги таҳлил қилинган. Айни вақтда ваҳҳобийлик ва унинг асосида вужудга келган «Ҳизб ут-таҳрир», «Мусулмон биродарлар» каби террорчилик ҳаракатлари билан турли ниқоблар остида Ўзбекистонга кириб келган ташкилотлар ўртасидаги умумийлик таҳлил қилиниб, уларнинг асосий мақсади диний давлат, халифалик ўрнатиш, конституциявий, дунёвий тараққиёт йўлига қарши кураш эканлиги етарли далиллар билан асосланади. Мазкур экстремистик ташкилотларни бирлаштириб турадиган умумий мақсад диний давлат ташкил этиш ва унда мусулмон халифалигини ўрнатишдан иборат. Диссертацияда ислом динини ниқоб қилиб олган турли террорчилик ташкилотларининг сиёсий, мафкуравий, ғоявий ва маънавий қиёфасини белгилаб берадиган жиноий фаолиятлари, Усома бин Лодин томонидан асос солинган «ал-Қоида» террорчилик ташкилотининг ҳамда «Толибон» ҳаракатининг фаолияти ҳам таҳлил қилиниб, улар ҳозирги даврда халқаро ҳамжамият учун қаттиқ ижтимоий-сиёсий хавф солаётгани, ушбу ҳаракатларнинг ғайриинсоний маънавий зарари ёритилди.

Диссертациянинг « **Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида диний бағрикенглик ва халқаро ҳамжиҳатлик ғоялари ҳамда уларнинг диний фундаментализм ва терроризмга қарши**

[2] Архипова И.А. Экстра и интралингвистические особенности формирования и развития немецкого языка служб безопасности на материале терминологии терроризма и наркобизнеса. Автореф. …канд. филол. наук.– Омск, 2006. –С.11.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 48.

**курашдаги аҳамияти** « деб номланган **учинчи бобида** исломий қадриятлар– «Қуръон», ҳадис ва фиқҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги)да акс эттирилган диний бағрикенгликнинг айрим ақидавий ва ҳуқуқий масалалари таҳлил этилган.

*Бобнинг биринчи қисми «Исломий қадриятлар - Қуръон, ҳадис ва фиқҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги)да диний бағрикенгликнинг баъзи ақидавий ва ҳуқуқий масалалари»* деб номланган.

Ҳозирги даврда ислом ниқоби остидаги террорчиликка қарши муваффақиятли маънавий, мафкуравий ва ғоявий кураш олиб борилмоқда. Ислом фалсафаси ва ҳуқуқшунослиги, ислом маданияти ва ахлоқи билан боғлиқ илмий масалаларни атрофлича ва чуқур тадқиқ этиш бугунги кунда фалсафа фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Ватанимиздан етишиб чиққан ислом уламолари ва мутасаввифларнинг исломий маданият тараққиётига қўшган буюк ҳиссасини ҳар бир фуқаромиз, хусусан, ёшлар онгига сингдирмоқ юқоридаги вазифани муваффақиятли амалга оширишда ўз самарасини бериши шубҳасиздир. «Шарқ фалсафасининг муҳим бир қисми бўлган ислом маданиятининг ўзбек халқи маънавияти тарихида тутган муҳим ўрни шундаки, у одамларни ахлоқий покликка, маънавий баркамолликка ундаган.

Умуминсоний ва маънавий-ахлоқий мезонларга таянган ҳолда, кишиларни ҳамжиҳатликка, тотувликка, адолатга, меҳр-мурувватга, саховатга, сабр-бардошлиликка чақирган»[1].

Мусулмон халқлари ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, маърифий ҳаёт тарзининг асосий қўлланмаси ҳисобланган Қуръонда инсонларнинг бир-биридан турли миллатларга ва динларга мансублиги жиҳатидан фарқ қилиши табиий эканлиги, лекин бу нарса улар ўртасидаги адоват, низо ва урушлар учун сабаб бўла олмаслиги, миллатлар ва динлар ўртасидаги тафовут уларнинг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшашларига халақит бермаслиги ҳақида кўпгина оятлар мавжуд. Иккинчи томондан, Қуръонда бутун инсониятнинг бир ота ва бир онадан яратилганлиги, олам турли миллат, халқ ва элатларнинг бир-бирлари билан ҳамжиҳатликда яшашларига, дўст-биродар бўлишларига, ҳамкорлик қилишларига муҳим сабаб эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлади. «(Аввалда) одамлар фақат бир миллат, яъни бир динда бўлган эдилар. Сўнгра бўлиниб кетдилар»[2]; «Агар Оллоҳ хоҳлаганида, албатта уларни (яъни барча инсонларни) бир миллат (бир динда – Исломда) қилган бўлур эди»[2]; «Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл(Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик»[3].

Шу билан бирга Қуръонда исломга мажбурлаб киритиш жоиз эмаслиги, динга даъват қилиш уруш, жисмоний жазолаш билан эмас, балки чиройли панд-насиҳатлар орқали амалга оширилиши, мусулмонларнинг бир-бирлари билан фақат эзгулик йўлида ҳамкорлик ва биродарлик қилиши

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон. 1997. –Б.35.
[2] Қуръони карим. Юнус сураси, 14– оят. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Тошкент: Чўлпон, 1992. –Б.138.
[2] Қуръони карим. Шўро сураси, 8-оят. –Б.352.
[3] Қуръони карим. Хужурот сураси, 3-оят.–Б.392.

кераклиги ҳақида ҳам қатор оятлар мавжуд: «Ахир сиз одамларни мўъмин бўлишга мажбур қилурмисиз?»[1] «(Эй Муҳаммад), Парвардигорингизнинг йўли – динига донолик, ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг!»[2]; «Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз»[3]. Қуръонда бир бегуноҳ одамни қатл қилиш бутун жамиятга, инсониятга нисбатан қилинган даҳшатли бир ёвузлик сифатида қораланади: «Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди»[4].

Худди шунингдек, ҳадисларда келтирилишича, ноҳақ одам ўлдириш, у қайси динга мансуб бўлишидан қатъи назар, охиратда Оллоҳ томонидан кечириб бўлмайдиган гуноҳ ҳисобланиши билан бирга, ёруғ дунёда одамлар томонидан ҳам кечириб бўлмайдиган жиноятдир: «Қиёмат куни инсонлардан даставвал тўкилган қон ҳақида сўралиб, ҳукм чиқарилғайдир»[5]; «Қутулиб бўлмайдиган мушкул ҳолатлардан бири – кишининг ноҳақ қон тўкиб қўйган ҳолатидир»[6]; «Ноҳақ қон тўкмаган мўмин ўз динида доимо роҳатланиб юрғайдур»[7].

Диссертацияда илк ўрта асрлардаёқ исломий қадриятлардан бўлмиш фиқҳ (мусулмон қонуншунослиги)да диний бағрикенгликка асосланган шариат аҳкомлари ишлаб чиқилганлиги ҳам етарли маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Чунончи, мусулмон мамлакатларда яшовчи бошқа динга эътиқод қилувчилар «зиммий»лар деб аталиб, шариат ҳукми бўйича, уларнинг ҳамма моддий ва маънавий ҳуқуқлари, яъни мол-мулки, ҳаёти, диний эътиқоди, урф-одатлари дахлсизлигини таъминлашни мусулмон мамлакати ўз зиммасига («зиммий» сўзининг ўзаги ҳам шу сўздан келиб чиққан) олиши мусулмон қонунчилиги (фиқҳ)да қайд этилган[8]. Ўрта асрлардаёқ Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккурида диний муросасизлик ва бағрикенгликнинг ҳуқуқий асослари ҳам ишлаб чиқилган. Ушбу фикрларнинг исботи сифатида диссертацияда Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197)нинг «Ҳидоя» ҳамда Бобур (1483–1530)нинг мусулмон ҳуқуқшунослигига бағишланган «Мубаййин» асарларидан етарли далиллар келтирилган.

Ўрта асрлардаёқ турли динга эътиқод қилувчи давлатлар ўртасида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлган ва бунга қатъий риоя қилиш талаб этилган.: «Мусулмонлардан бирор киши омонлик (ҳимояга кафолат) олиб дорул ҳарбга (ғайридин юртига) борса ва бу ғайридинларнинг биронтасининг ҳовлисидан рикоз (бойлик) топиб олса, бу бойликни ўз эгасига қайтариб бериши лозим. Шундай қилса, хиёнатдан йироқ бўлади. Зеро ислом хиёнатдан қайтаради, унга хиёнат қилмаслик шарти билан омонлик берилган»[9].

Ушбу ҳолат ўрта асрлардаёқ, бир томондан, мусулмон ва ғайридин мамлакатлар ўртасида тинчлик-омонлик ўрнатиш, иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантириш борасида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган

---

[1] Қуръони карим. Юнус сураси, 99-оят. –Б.195.
[2] Қуръони карим. Наҳл сураси, 125-оят. –Б. 195.
[3] Қуръони карим. Моида сураси, 2-оят. –Б. 73.
[4] Қуръони карим. Моида сураси, 32-оят. –Б.76.
[5] Ҳадис. IV жилд. –Тошкент: 1992. –Б.315.
[6] Ўша жойда.
[7] Ўша жойда.
[8] Қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь –М.: Наука. 1991. – С. 27–28.
[9] Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. I жилд . Закот китоби .– Тошкент: 2002.– Б..386.

бўлса, иккинчи томондан, мусулмон ва ғайридин халқлар ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром ва диний бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлашда катта ғоявий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Шу муносабат билан Марғинонийнинг бошқа динга эътиқод қилувчиларга нисбатан диний бағрикенглик ҳис-туйғуси билан ёндашишнинг маънавий асослари ҳақидаги қуйидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовордир: «Улар мусулмонларнинг барча молларини олиб қўйган тақдирда ҳам бизлар уларнинг барча молини олмаймиз. Чунки барча молни олиб қўйиш биз мусулмонларнинг шаънига лойиқ эмасдир. Агар улар бизлардан ҳеч нарса олмаётган бўлсалар, бизлар ҳам ҳеч нарса олмаймиз. Шунда улар ҳам бизнинг тижоратчилардан тўлов олмайдилар. Зеро биз мусулмонлар макорими ахлоқ (юқори ахлоқ) соҳиби бўлишга лойиқ кишилармиз».[1]

Демак, мусулмон ҳуқуқшунослигида, хусусан, ватандошимиз Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида диний бағрикенгликнинг нафақат ҳуқуқий асослари, шу билан бирга унинг маънавий-ахлоқий томонларига ҳам катта аҳамият берилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари, шу жумладан унинг закот ва солиқ ҳақидаги ҳукмлари реал ҳаёт шароитига мосланганлиги, инсонпарварлик ғояларига таянганлиги туфайли, бир томондан, асрлар давомида кўпгина фақиҳлар таълимоти учун ғоявий манба бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, айрим ҳукмдорлар томонидан давлатчилик ишларида энг мақбул ва нуфузли шариат қўлланмаси бўлиб хизмат қилди.

Қуръон оятларида ифодаланган ғоялар, диёримиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Замахшарий каби буюк муҳаддисларимизнинг асарларидаги улкан маънавий аҳамиятга молик фикрлар, ватандошимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» ва Бобурнинг «Мубаййин» асарларида чиқарилган шариат аҳкомлари диний фундаментализм, экстремизм ва улар асосида вужудга келган терроризмнинг диний эътиқод нуқтаи назаридан ҳам асоссиз эканлигидан далолат беради. Биз диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маънавий меросимизнинг ушбу қирраларидан ҳам унумли фойдаланмоғимиз керак.

Бобнинг *«Ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашида диний мурасасозлик ва халқлараро ҳамжиҳатлик ғояларининг назарий-фалсафий асосланиши» деб номланган иккинчи қисмида* Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашида диний бағрикенглик ва халқлараро ҳамжиҳатлик ғояларининг ижтимоий ва назарий-фалсафий масалалари таҳлил қилинган. Марказий Осиёдан ўрта асрларда етишиб чиққан мутафаккирлар кишилик жамоалари келиб чиқишининг тарихий ва ижтимоий сабаблари ҳақида фикр юритар эканлар, энг аввало, инсонлар бир-бирининг ёрдамисиз яшай олмаслиги, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамгина кишилик жамоалари вужудга келишининг ҳамда жамият барқарорлиги ва унинг равнақ топишининг асосий сабабидир, деб таъкидлаганлар. Уларнинг фикрича, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, ёрдам туйғулари орқали бир-бирлари билан бирлашган жамоадагина кишилар ўзларининг нафақат моддий эҳтиёжларини, балки маънавий эҳтиёжларини ҳам қондира оладилар ва натижада, ҳар бир инсон ва бутун жамоа маънавий камолотга эришади. .

Форобий ва Ибн Синонинг жамият келиб чиқишининг асосий сабаблари ҳақидаги фикрларига Беруний табиатшунослик нуқтаи назаридан ҳам

[1] Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. I жилд . Закот китоби .– Тошкент: 2002. Б.329-380.

ёндашиб, уларни яна ҳам бойитди. Унинг фикрича, одамлар бир-бирларига ёрдам бериш, турмуш учун зарур бўлган нарсаларни яратиш, ҳар қандай офатлардан сақланиш, хавф-хатарсиз яшаш мақсадида, жамиятга уюшганлар.

Форобийнинг таъкидлашича, бундай жамоа аҳолиси турли ирқ, миллат, дин, урф-одатлар, анъаналарга мансуб бўлган кишилардан иборат бўлиши мумкин. Чунки «бундай шаҳар аҳолиси умумий қондошлик, яшаш макони, ирқи ва урф-одатларининг муштараклиги асосидагина бир ерга тўпланган эмас. Зеро фозил шаҳарда бу айтилган омиллардан ҳеч бири йўқ ёки уларнинг бўлиши шаҳарнинг афзаллиги ёхуд бирор имтиёзи борлигини белгиламайди»[1].Форобийнинг ушбу фикрларини ҳозирги даврда республикамизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ўзгаришлар жараёнига, хусусан, миллий ва диний қадриятларимиз қайта тикланаётган шароитга татбиқ қилар эканмиз, исломни ташқаридан «импорт» қилиш, унга сиёсий тус беришга интилаётган ҳар қандай уринишлар сиёсий ва ғоявий жиҳатдан асоссиз эканлиги аниқ бўлади.

Беруний Буюк Ипак йўлида жойлашган Ватанимиз ҳудудида ва халқимиз характерида миллий ҳамда диний бағрикенглик юксак даражада ривож топганлиги хусусида тарихий маълумотлар келтиради. Чунончи, у ўз асарларида Урганч шаҳрида бундан минг йиллар бурун ҳам яҳудийлар маҳаллалари, христиан черковлари, араб, ҳинд, хитой, славян халқлари уюшиб истиқомат қилган алоҳида маҳаллалар мавжудлигини айтиб ўтган. Беруний таъкидлашича, одамлар бир-бирларига ёрдам бериш, турмуш учун зарур бўлган нарсаларни яратиш, ҳар қандай офатлардан сақланиш, ҳамкор, ҳамдард бўлиш ва хавф-хатарсиз яшаш мақсадида жамиятга уюшганлар. Кишилар жамоасининг вужудга келишининг асосий сабаби ҳам ана шу ўзаро ёрдам, ҳамдардлик, ҳамнафасликдадир. Шу билан бирга, Беруний инсонпарвар мутафаккир сифатида бу ҳолат ва тартиб кейинчалик турли ғоратчилик, талончилик, душманликлар натижасида бузилганлигини кўрсатади. Масалан, Беруний «Минералогия» асарида бундай деб ёзади: «Инсон эҳтиёжлари шу даражада хилма-хилки, унинг бир ўзи уларни қондира олмайди. Уларни қондириш учун ёрдамчининг ўзи кифоя қилмайди. Эҳтиёжлар хилма-хил ва жуда кўп. Фақат бир қанча одамлардан ташкил топган жамоа билангина уларни қондириш мумкин. Бунинг учун эса одамлар шаҳарлар бунёд қилишга муҳтождирлар»[2].

Беруний турли халқларнинг тарихи, фани, дини, маданияти ва умуман маънавий қадриятларига нисбатан менсимаслик муносабатида бўлиш, уларни инкор қилишни ғайритабиий, ғайриахлоқий ҳодиса деб билади. Масалан, «Ҳиндистон» асарида бошқа халқлар маънавий қадриятларига шундай муносабатда бўлган бир гуруҳ ҳақида афсус билан ёзади: «Аҳмоқлик – давоси йўқ бир касалликдир; шундайки, уларнинг эътиқодича, дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўз жинсларидан бошқа халқ, ўз бошлиқларидан бошқа подшоҳлар йўқ, ўзларидагидан бошқа илм ва динларидан бошқа дин йўқдир. Ўзларини юқори тутиб, бемаъни ҳаракат қиладилар ва кибрланиб билимсиз қоладилар»[3].

Илк ўрта асрлар мутафаккирлари дунёқарашларидаги бу анъаналар XV – XVI асрларда Жомий, Навоий, Воиз Кошифий, Бобур томонидан ўз

[1]Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. –Тошкент:Ёзувчи, 2001.–Б.29.
[2]Қаранг:Абу Райхан Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей(Минералогия).–М.:1963. –С. 11.
[3] Қаранг: Шарипов А.Д. Великий мыслитель Беруни. –Ташкент: Фан, 1972. –С.144.

даврлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий – маънавий ҳаётида юз берган ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда янги ғоялар билан бойитилди. Мутафаккирларининг уруш масаласига бўлган муносабатларининг ўта муҳим маънавий ва ғоявий аҳамиятга эга яна бир томони шундаки, уларнинг бирортаси ҳам ўз асарларида дин учун курашга, жиҳодга даъват этмайгина қолмай, ҳатто бу масалани мутлақо четлаб ўтганлар ҳам. Масалан, Жомий ва Навоий асарларида ижобий шоҳ сифатида талқин қилинган Искандар ўз юришларининг мақсади қилиб қандайдир динни бошқа мамлакатларга зўрлик билан олиб кириш ва халқларни ўша дин мафкурасига бўйсундиришни эмас, балки у ёки бу мамлакатда зулм ва зўравонликни тугатиб, адолат ўрнатиш, мамлакат фаровонлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлашни мақсад қилиб олади.

Ҳатто, мазкур мутафаккирлар дунёқарашида динлараро ҳамда мазҳаблараро уруш ва низолар маъносизлиги, инсонийлик моҳиятига, ақлга зидлиги ҳақидаги ғоялар ҳам мавжуд. Чунончи, бундай урушларга нафрат билан боққан ва уни қаттиқ қоралаган Жомийнинг қуйидаги рубоийси мавжуд:

Эй муғбачаи даҳр, бидеҳ жоми майам,
Ки омад зи низои суннию шиа қайам.
Гўяндки, Жомиё, чи мазҳаб дори?
Сад шукрки, саг суннию хар шиа найам[1].

Мазмуни:

Эй соқий! Менга май бер. Суннийлар ва шиалар низосидан кўнглим айнияпти. Жомий, сен қайси мазҳабдасан? – деб сўрайдилар. Юз шукрки, ит суннию, эшак шиа эмасман.

Жомий, Навоий ва шу даврда яшаб ўтган бошқа мутафаккирларнинг улкан тарихий хизматлари шундаки, улар ушбу масаланинг маънавий-ахлоқий томонини ажойиб бадиий тимсолларда акс эттирдилар. Иккинчи томондан, ушбу масалага ижтимоий-сиёсий тус бериб, ўзларининг давлатни бошқариш борасидаги қарашларига татбиқ қилдилар. Маълумки, ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари фаровон жамият ҳақидаги ўз орзу - истаклари рўёбга чиқишининг асосий омили – адолатли ва маърифатли подшоҳлик бошқариши усули (монархия) деб билганлар ва ўз асарларида адолатли, маърифатли ҳукмдор тимсолини яратганлар. Лекин ушбу масалада ҳам уларнинг диний бағрикенглик нуқтаи назаридан баён қилган ғояларининг катта ғоявий ва, ҳатто, маълум даражада мафкуравий аҳамияти шундаки, улар теократик бошқариш усулини, яъни давлатни динга бўйсундириш, дин назорати остида бошқаришни инкор қилганлар.

Диссертацияда етарли маълумотларни таҳлил қилиш асосида, айтиш мумкинки, биринчидан, улар дин жамиятдаги ҳамма ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий муаммоларни ҳал қилишнинг ягона воситаси эмаслигига ишонганлар.

Иккинчидан, ўз адолати билан мамлакатни бошқарган шоҳ ҳам ўз халқи, ҳам бошқа мамлакатлар халқлари ўртасида ўзаро ишонч, дўстона муносабатлар ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб билганлар. учинчидан, мутафаккирлар шуни яхши англаб етганларки, ўрта асрларда диний мутаассиблик давлатни бошқариш миқёсида намоён бўлса,

[1]Қаранг: Богоутдинов А.М. Очерки истории таджикской философии /. Избр. произв. –Душанбе, 1980, –С. 196.

мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти учун фожиага айланиши мумкин. Бундай воқеаларнинг гувоҳи ҳам бўлганлар. Ушбу хулосалар Президент И.А. Каримовнинг: «Биз дин бундан буён ҳам аҳолининг энг олий ва руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»,–дея огоҳлантириши ўзининг чуқур тарихий асосларига эга эканлигидан далолат беради.

Мазкур бобнинг *«Марказий Осиё мутасаввифлари ахлоқий қарашларида динлараро мурасасозликнинг айрим ижтимоий-маънавий масалалари» деб номланган учинчи қисмида* Марказий Осиё мутасаввифлари дунёқарашидаги динлараро муросасозликнинг айрим ижтимоий-маънавий масалалари таҳлил қилинар экан, улар ўрта асрлардаёқ диний – мазҳабий мутаассиблик ва жаҳолатга қарши курашда шаклланган дунёқараш сифатида бугунги кунда ҳам диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашда ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини асослашга ҳаракат қилинган. Зеро, тасаввуф, ирфоний фалсафа, бир томондан, гарчи ислом фалсафасининг таркибий қисми бўлса ҳам, у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка зиддир. Иккинчи томондан, ислом динининг асл моҳияти маърифат эканлиги тасаввуфнинг комил инсон ҳақидаги таълимотининг бош ғояларидан биридир: «Комил инсон илм мазҳаридир, комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридир»[1]. Шундай экан, инсонларнинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам қилган хатти-ҳаракатлари, шу жумладан Оллоҳ учун қиладиган тоат - ибодатлари ҳам комил инсон учун ва у орқали барча одамзот учун бўлмоғи зарур.

Мутасаввифлар маънавий меросида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда катта ғоявий ва маънавий қурол бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган томонлардан бири – тинчликсеварлик, ҳаммага, шу жумладан, бошқа динга эътиқод қилувчиларга нисбатан ҳам меҳр-шафқатли бўлиш ғояларидир: «Инсон умри ўткинчи бўлганлиги учун ўзгаларга озор бермаслик, қўлингдан келганча яхши иш қилганинг яхшироқдир. Ҳар ким ҳаётда ўз экканини ўради. Шунинг учун яхшилик уруғини экиш яхшидир»[2].

Суннат эрмиш кофир бўлса берма озор,
Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор.[3]

Мутасаввифларнинг диний экстремизмга қарши курашдаги ўта муҳим ғоявий аҳамиятга эга бўлган қарашларидан яна бири шуки, жамиятда инсонлар маълум бир динга эътиқод қиладилар. Аммо уларнинг ҳар бири турли воситалар, маросимлар ва қонун – қоидалар билан ибодат қиладилар. Шундай экан, уларни қайси динда ибодат қилишларидан қатъи-назар эътиқодсиз деб бўлмайди: «. . . Агар диққат билан қарасак, етмиш икки миллатнинг ҳаммаси худога сиғинадилар, турли тил, турли расм - қоида, усул ва амаллар воситасида бандалик шартини адо этадилар»[4].

---

[1] Комилов Н. Нажмиддин Кубро. –Тошкент: 1998. –Б. 4.
[2] Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. ЎзРФШ қўлёзмалар фонди. ИНВ №844.
[3] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Тошкент: 1993. –Б. 47.
[4] Азизиддин Насафий. Зубдат-ул ҳақойиқ. Комил инсон ҳақида тўрт рисола // Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. –Тошкент:Камалак 1992. – Б.88.

Тасаввуф диний таълимот бўлиши билан бирга, тажрибада юзага чиқадиган амалий билим ҳамдир. Калом ва фалсафа имонни ақлий бир ҳодиса сифатида баҳоласалар, тасаввуф эса, имонни ахлоқий турмуш тарзи, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат ва ҳол сифатида баҳолайди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё мутасаввифлари, хусусан, хожагон тариқати нмояндалари, айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд «хилват дар анжуман», яъни солик ботинида Ҳақ билан, зоҳирда халқ билан бўлиши кераклигига катта эътибор қаратган. Чунки ҳеч қандай тоат-ибодат эл-юрт, жамият манфаатига зид бўлмаслиги керак. Зоҳиран ўзини тақводор, эътиқодли тутса-ю, лекин одамларга нисбатан жабр-зулм қилса, ўз шахсий манфаати ва ҳирси йўлида жамиятга зарар етказса, ундай одам ботинда Ҳақ билан бўла олмайди. Нақшбандия тариқатидаги «Дил ба ёру даст ба кор» («Қалбинг Оллоҳда, қўлинг ишда бўлсин») деган даъватнинг яна бир моҳияти, мазмуни ҳам ана шундадир. Унинг эл-юрт, халқ, мамлакат, жамият манфаати, эҳтиёжи ва шароитни назар-писанд қилмасдан, мутаассибона, риёкорона тоат-ибодатга, тақвога чақирувчи диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашдаги аҳамияти ҳам ана шундадир.

Аксарият мутасаввифлар таъкидлашича, ҳар бир мусулмоннинг чин қалбидан қилган тақво ва эътиқодининг Оллоҳ наздида қабул бўлиши, Оллоҳнинг иноятига мушарраф бўлиб жаннатга ноил бўлиши узлуксиз тоат-ибодатга берилиши билан эмас, балки уларни имкон қадар бажаргани ҳолда, қалби саховат ва ҳимматга тўлиб, одамларга эзгулик қилиши билан амалга ошади. Чунончи, Азизиддин Насафий шундай ёзади: «Шундай бўлгилки, сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин, ҳамма вақт ёвузлик ва ҳақорат ёғдирадиган кишилардан бўлма, чунки уларни ҳақиқати (табиати) ҳамиша ноҳақлик ва зулм, нохушлик ижод қилишдир. ...Яхшилик ва ёмонлик, хайру шаррнинг маъносини билдинг, энди шуни билгил, кимки қалбида эзгулик бўлса, у дўзах азобидан қутулиб, жаннат аҳлига қўшилади»[1].

Мутасаввиф Абдулло Ансорийнинг ҳаж қилиш, намоз ўқиш, шариатнинг барча кўрсатмаларини бажариш билан овора бўлиб, атрофдаги одамлар аҳволидан бехабар бўлгунча, уларнинг хизматида бўлиб, қалбларини шод этиш афзалроқдир, деган хулосага олиб келувчи қуйидаги рубоийсини келтириб ўтмоқ зарур:

Худо дея икки каъба бўлгандир ҳосил,
Бири ташқи каъбаю иккинчиси дил.
Қурбингча дилларни зиёрат қилгил,
Минглаб каъбалардан афзалроқ бир дил.[2]

Афсуски, диний мутаассиблик, адоват ва улар асосида келиб чиқувчи диний экстремизм бундай эзгу мақсадлардан йироқ. Аксинча, улар хатти-ҳаракатларининг аксарияти турли динлар ва диний мазҳаблар орасида низолар ва қонли урушларга олиб келиши мумкин.

Мутасаввиф Султон Валад (1226–1312)нинг ўта муҳим ғоявий аҳамиятга эга бўлган фикрларидан бири шуки, жамиятда ҳар бир онгли инсон борки, маълум бир динга эътиқод қилади. Бу ҳар бир инсонга хос табиий ҳол. Аммо уларнинг ҳар бири турли воситалар, маросимлар, қонун-қоидалар орқали ибодат қиладилар. Шундай экан, уларни, қайси динда ибодат қилишларидан

---

[1] Азизиддин Насафий. Зубдат-ул ҳақойиқ. Комил инсон ҳақида тўрт рисола // Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. –Тошкент:Камалак 1992.Б.164–165.
[2] Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлилиги тарихидан. –Тошкент: Фан, 1990. –Б.115–166.

қатъи назар иймон-эътиқодсиз деб бўлмайди. Бу ҳақда Султон Валад шундай ёзади: «Ҳаққа сиғиниш ва Уни танишга интилиш умумга хос хислатдир... Агар диққат билан қарасак, етмиш икки миллатнинг ҳаммаси Худога сиғинадилар, турли тил, турли расм-қоида, усул ва амаллар воситасида Худога бандалик шартини адо этадилар»[1].

Бу нафақат диний бағрикенглик, диний мурасасозлик нуқтаи назаридан, шу билан бирга бошқа динларга эътиқод қилувчиларга нисбатан катта ҳурмат-эҳтиром, турли ирққа, миллатга мансуб халқларнинг минг йиллар давомида ота-боболари сиғиниб келган динга эътиқод қилиш ҳуқуқига эга эканликларини эътироф этиш нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда қимматли фикрдир. Ушбу фикрларнинг ҳозирги давримиз учун диний фундаментализм, фанатизм ва маълум даражада улар асосида вужудга келган диний терроризмга қарши курашдаги ғоявий, мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳам ана шунда.

Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиё мутасаввифлари ўзларининг диний бағрикенглик, мазҳаблараро муросасозлик, турли динга эътиқод қилувчи халқлараро ўзаро ҳурмат-эҳтиром ғоялари билан бир неча асрлар давомида халқимизни юксак маънавийлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келди. Улардан ҳозирги кунда ҳам диний экстремизм ва терроризмга қарши ғоявий ва мафкуравий курашда самарали фойдаланиш зарур.

«**Ўзбекистонда халқаро терроризмга қарши кураш масалалари**» деб номланган **тўртинчи бобда** халқаро терроризм тажовузига қарши жаҳон миқёсида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам самарали кураш воситаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилганлиги, бу кураш воситалари маъмурий ва ҳуқуқий чоралардангина иборат бўлиб қолмасдан, балки маънавий, мафкуравий ва ғоявий кураш воситаларининг мукаммал тизимидан ҳам иборат бўлмоғи зарурлиги илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ушбу бобнинг *«Ўзбекистонда ислом ниқобидаги терроризм пайдо бўлишининг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий илдизлари» деб номланган биринчи қисмида* Ўзбекистонда халқаро терроризм, асосан, диний экстремизмнинг кириб келиши ва тарқалиши билан боғлиқ сабаблар тарихий далиллар асосида қиёсий таҳлил этилган.

Диссертацияда Ўзбекистонда ақидапарастлик ва фундаментализм негизида вужудга келган диний экстремизм ва террорчиликнинг, аниқроғи, хунрезликнинг, агар таъбир жоиз бўлса, «маҳаллий» тарихий ва мафкуравий илдизлари ҳам маълум даражада бўлганлиги тўғрисида маълумот келтирилган. Жумладан, Россия зулмидан норозилик кўпинча диний ниқобларда зоҳир бўлган. Бу ўринда 1898 йилда Дукчи Эшон бошчилигида юз берган Андижон қўзғолонини эслаш кифоя».

Кўпгина вилоят ва туманларда миллий истибдодга қарши кураш ақидапарастлик шиорида бўлиб, диндорлар ақидапарастликка хос бўлган диний муросасизликдан ҳам фойдаланганлар. Масалан, 1905 йилда Хивада нақиб ул - ислом Иброҳим ҳожи ва Юсуф бошилар «Қадимчилар» деб аталган гуруҳни тузган эдилар[2].

---

[1] Азизиддин Насафий. Зубдат-ул хақойиқ. Комил инсон ҳақида тўрт рисола // Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. –Тошкент:Камалак 1992.–Б.87–88.

[2] Қаранг. Сааков А.С. Россия и Хива в конце XIX в начале XX –в.– Тошкент:Фан,1979. –С. 126.

«Қадимчилар»нинг бошқа мусулмонлардан фарқи шунда эдики, улар исломни қадимий «асл» ҳолида тиклашга уринар эдилар. Хивада «Қадимчилар» гуруҳининг, Бухоро амирлиги ва собиқ Қўқон хонлигидаги бошқа шаҳар ва вилоятларда «Шўрои исломия» нинг тузилиши Ўрта Осиёда ақидапарастликнинг намоён бўлишигина эмас, унинг ташкилий тизимга эга бўлгани ва сиёсий кучга айланганидан далолат берар эди.

Тадқиқотда мустақиллигимизга таҳдид солган ақидапарастлик илдизлари ва унинг оқибатида вужудга келган экстремистик ҳаракатлар собиқ шўролар тузуми бағрида вужудга келганлиги тарихий далиллар асосида ёритилган.

Большевиклар томонидан ялпи тенглик ғоясининг эълон қилиниши инсоният тарихидаги талончилик ва босқинчиликдан иборат бўлган маънавий-ахлоқий жиҳатдан энг ёвуз ғоя бўлган. Айни шу ғоя халқаро террорчиларнинг байроқлари остига оммани жам қилди. Айни шу ялпи тенглик ғоясини дастак қилиб, беҳисоб талашлар, мусодаралар, тортиб олишлар амалга оширилди. Айни шу ғоя йўлида сон-саноқсиз қурбонлар берилган. Ўзбек халқи ҳам ўзининг энг яқин тарихида бу мудҳиш ғоянинг фожиали оқибатларини ўз бошидан кечирди.

Большевиклар диннинг ҳамма кўринишларига қарши шафқатсиз кураш олиб борган. Лекин унинг исломга қарши кураши, айниқса, бешафқат бўлган. «Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизғин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатағон қилинди. Минглаб мачитлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Диндорлар оммасининг аксарият кўпчилиги 90-йилларнинг ўрталарига қадар Қуръони каримдан баҳраманд бўлолмаган эдилар»[1].

Ғаразли, маънавиятга зид мафкура собиқ Иттифоқ тугатилгандан кейин ўзининг салбий ролини ўйнади: чала муллалар пайдо бўлиб, халқимиз ислом динининг ҳақиқий моҳиятидан бехабарлигидан фойдаланиб, турли ғаразли мафкуралар мақсадлари йўлидаги «кўприкка» айлантирилди.

Диний экстремизм ва унинг асосида вужудга келаётган террорчиликнинг Ўзбекистонга кириб келишининг яна бир сабаби шуки мураккаб ўтиш даври жараёнида ислом дини бир-бирига қарама-қарши вазифаларни ўтаган. Маданий қадриятлар ва анъаналар жаҳон миқёсида улкан маънавий мерос ва сиёсий кураш воситалари учун қурол сифатида ишлатилган.

Ўзбекистонда диний экстремизм асосида амалга оширилган террорчилик ҳаракатларининг тарқалиш сабабларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш тажрибаси шундан далолат берадики, айнан юқоридаги вазият бизнинг мамлакатимизни ҳам халқаро террорчиликнинг ҳаракат майдонига айлантириш учун катта имкониятлар яратди. Инкор этиш мумкин бўлмайдиган фактлар ва ахборотларга кўра, айни шу кунларда мамлакатимиз хавфсизлигига реал хавф солаётган, жанубий ва жануби-шарқий чегараларимиз ёнгинасида ҳаракат қилаётган террорчилар хатти -ҳаракатида Чеченистон ҳудудида узоқ вақтдан буён олиб борилаётган сепаратистик жангчиларга хос бўлган ҳарбий-тактик жиҳатлар кўзга ташланиб қолди. Ҳар

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон,1997. –Б.40.

иккала ҳаракат иштирокчилари бир марказдан моддий ва маънавий таъминланаётганлиги ҳамда уларга қурол ва «янги кучлар» етказиб берилаётганлиги аён бўлиб қолди. Радио, компьютер орқали узатилаётган ахборот оқимининг таҳлили бу икки ҳудуддаги террорчилик ва экстремистик ҳаракатлар ягона халқаро марказдан бошқарилаётганлигини, уларнинг ҳар иккаласига ҳам ягона маънавий раҳнамо хослигини кўрсатмоқда.

Иккинчи томондан, жангари тўдалар «гуманитар характер ва йўналиш»га эга бўлган жамғармалар, аллақандай «инсонпарвар» структуралар ҳамда «диний сабоқ берувчи марказ»лар томонидан маблағ билан таъминланмоқда. Худди шундай вазият Ўзбекистонда ҳаракат қилаётган террорчиларга ташқаридан молиявий ёрдам бериш имкониятини яратмоқда. Масалан, Қирғизистоннинг жанубида содир этилган террорчилик фаолияти ана шундай ташқи молиявий, моддий ва ташкилий ёрдам воситасида юз берди.

Айнан юқорида келтирилган вазият бизнинг мамлакатимизни ҳам халқаро террорчиликнинг ҳаракат майдонига айлантириш учун катта имкониятлар яратган. Жамият тараққиёти, унинг иқтисодий равнақи, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш йўлида Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги барқарорликнинг асоси бўлиши билан бирга, турли ғаразли кучлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва мукаммал кураш воситаси ҳамдир. Диссертацияда ушбу фикрларни асослашга хизмат қиладиган етарли даражадаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун дадил ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Республикаси ва унинг раҳбарияти инсоният ва, қолаверса, эндигина мустақилликни қўлга киритиб, демократик ривожланиш сари қадам қўйган миллатлар ҳамда давлатларнинг бугуни ва келажаги учун халқаро террорчилик нечоғли хавфли эканини мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ чуқур англаб етиб, унга қарши кураш ҳамда ўз ташқи ҳамда ички сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири эканлигини эълон қилди. Бу борада Ўзбекистон олиб бораётган чора-тадбирлар бобнинг *«Халқаро террорчиликка қарши курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли» деб номланган иккинчи қисмининг* таҳлил объекти бўлди. Ўзбекистон халқаро террорчиликка қарши курашар экан, ўз миллий манфаатларини жаҳон халқлари манфаатлари билан боғлиқ ҳолда, уларга зид бўлган ҳар қандай хавф ва таҳдидларга қарши курашишда ҳам халқаро ҳамжамият билан муштарак ҳолда кураш олиб боради. Президент И.А.Каримовнинг халқаро террорчилик хавфи муаммолари, унга қарши кураш усуллари ҳақида муайян таклифлар ва ташаббуслар билан чиқиши Ўзбекистон давлати ва ҳукуматининг халқаро террорчиликка муносабатини очиқ - ойдин намоён қилган.

Ҳозирги кунда терроризм энг хавфли ва оқибатини олдиндан кўра билиш мураккаб бўлган жиноятлар сирасига киради. Террор кўлами кенгайиб бораётгани ва ақл бовар қилмас шакллар олаётгани жаҳондаги энг хавотирли муаммолардан биридир.

Афсуски, бундай таҳдид ва хавфдан ҳамда унинг фожиали оқибатидан Ўзбекистон ҳам холи бўла олмади. 80-йилларнинг сўнгида, яъни мамлакатимизда мустақилликка эришиш учун кураш олиб борилаётган даврлардаёқ террорчилик хуружлари у ёки бу кўламда турли ниқоблар остида бўлиб ўтган эди. Аммо мамлакатимиз мустақилликка эришгандан

кейин бу хуружлар кенгроқ ва хавфлироқ тус ола бошлади. Бунинг далили сифатида 1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган портлашлар, террорчи жангариларнинг 2000 йил августида Бўстонлиқ, Сариосиё туманлари, Қирғизистоннинг Боткент туманига киришга интилишлари, 2004 йил 28–29 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида амалга оширилган портлатишларни келтириш мумкин. Буларнинг барчаси халқаро террорчиликка қарши кураш Ўзбекистон миллий хавфсизлиги ва мустақиллиги учун ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шунинг учун Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунидан бошлаб республикамизнинг миллий манфаатлари ва миллий хавфсизлигини ҳимоя қилишда халқаро террорчиликка қарши кураш мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилди ва изчил амалга оширилмоқда. Президент И.А.Каримов халқаро терроризмнинг кўлами жаҳон миқёсида кенгайиб бораётганлигидан ташвиш билдириб, энг йирик анжуманлар минбаридан туриб, жаҳон ҳамжамияти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ва бошқа халқаро ташкилотларни трансмиллий жиноятчилик кўринишларидан бўлмиш халқаро террорчиликка қарши қатъият билан кураш олиб боришга даъват этди. Шуни ҳам айтиш жоизки, Президент И.А.Каримов 1993 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб Ўзбекистон Республикаси халқаро террорчилик ва уни келтириб чиқарувчи сабаб ва илдизларга қарши изчил кураш олиб боришини ҳамда бунда турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликка тайёр эканлигини барала айтди. Унинг таъкидлашича, бу, энг аввало, нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиёда, балки жаҳоннинг ҳамма жойида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ўта долзарб аҳамият касб этади. Демократик ислоҳотлар учун жамиятнинг барқарорлиги ва давлатнинг хавфсизлиги ҳаётий заруратдир. Буларсиз бошқа масалаларни амалда ҳал қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон барча минтақаларда ва, аввало, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келяпти.

1999 йили Истанбул Саммитида «Европада хавфсизликни таъминлаш хартияси» муҳокама қилинди. Унда сўзга чиққан Президентимиз И.А.Каримов бундай дедилар: «...бугунги кунда халқаро майдонда «совуқ уруш» кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг кўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ»[1]. Демак, иккинчи жаҳон урушидан кейин мухолиф мафкуралар «ижодкорлари» ва уларнинг сиёсатдонлари томонидан жаҳоннинг етакчи мамлакатларининг икки қарама-қарши лагерларга сунъий равишда ажратилиши натижасида вужудга келган «совуқ уруш» муносабати инсониятга қанчалик даҳшатли хавф туғдирган бўлса, ҳозирги кунда тобора кенг кўламда авж олиб бораётган диний экстремизм ва халқаро террорчиликнинг даҳшатли хавфи ҳам шундай воқеликка айланиб бормоқда. Ушбу Саммитда Президентимиз томонидан халқаро террорчиликка қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун, энг аввало, унинг моддий асосларига зарба бериш зарурлиги ҳақидаги фикр ўртага ташланди.

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8- том. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000.–Б.83.

Шунингдек, Президент И.А.Каримов халқаро террорчилик хавфи муаммолари, унга қарши кураш усуллари ҳақида муайян таклифлар ва ташаббуслар билан ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида якунловчи нутқида (1998 йил 6 ноябрь), Афғонистон бўйича 6+2 гуруҳи Тошкент учрашуви очилиши маросимидаги чиқишда (1999 йил 19 июль), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Саммитидаги сўзлаган нутқларида (2001 йил июнь, 2003 йил июнь) Ўзбекистон давлати ва ҳукуматининг халқаро террорчиликка бўлган муносабатини очиқ-ойдин намоён этди[1].

Ўзбекистон Президенти ва Ҳукуматнинг БМТ ҳамда турли халқаро ташкилотлар анжуманларида қилган маърузалари ва баёнотларининг сиёсий ҳамда мафкуравий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга томонларидан бири

Шуниси муҳимки, Ўзбекистон терроризмга қарши кураш борасида муайян чора-тадбирлар кўрмоқда ва бошқа давлатларни ҳам бунга чақирмоқда: «Дунё ҳамжамияти агар инсониятнинг хавфсизлиги, келажак ҳақида ўйласа, шунга иқрор бўлиши керакки, терроризм балоси туфайли дунёда вужудга келган ҳозирги мудҳиш ҳолатни шундайлигича қолдириб бўлмайди»[2]. Ўзбекистон Президентининг ушбу таъкиди, бир томондан, давлатимизнинг ушбу масала борасидаги сиёсати изчиллигидан дарак берса, иккинчи томондан, Ўзбекистон террорчиликка қарши курашда фақат мамлакатимиз манфаатинигина назарда тутмасдан, балки барча халқлар ва минтақамиз манфаатларини ҳам кўзлаган ҳолда ҳаракат қилаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг халқаро террорчиликка қарши курашдаги муҳим ўрни ва ролини ифодаловчи ёрқин далиллардан яна бири – унинг ҳуқуқий асосга қўйилишидир. Халқаро ҳуқуқий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига «Тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар» деб аталувчи алоҳида боб, шу жумладан «Терроризм» (155) моддаси киритилди. Ўзбекистонда бу масалани ҳал этишга қаратилган жиноий-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ эди. Ўзбекистонда халқаро террорчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ушбу масаланинг нафақат ҳуқуқий жиҳатини, балки унинг мафкуравий ва маънавий жиҳатларини ҳам мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

1.Ҳозирги замон халқаро террорчилигини террорчиликнинг тарихий шаклига ҳамма томондан тенглаштириб бўлмаса-да, ҳозирги замон халқаро террорчилиги ўзининг тарихий ўтмишдаги ҳамма бузғунчиликларидан «маънавий» озуқа олган, унинг «тажриба»ларини тўлиқ ўзлаштирган, деб комил ишонч билан айта олмасак-да, аммо бир масалада улар ўртасидаги яқинлик, яъни ҳар иккаласи ҳам ўз сиёсий, ғоявий ва мафкуравий курашларида экстремизмнинг турли кўринишларини қурол қилиб олганлари ҳақиқат.

2. Маълумки, диний мутаассиблик, ўз навбатида, ғоявий, мафкуравий ва сиёсий мутаассибликни келтириб чиқаради. Унинг асосига қурилган

[1] Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.–Б. 20–21.
[2] Каримов И.А. Мақсадимиз –тинчлик ва бунёдкорлик //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.106.

фундаментализм ва экстремизм эса, янада кенг кўламли ва янада фожиалироқ сиёсий, ғоявий ва мафкуравий экстремизмни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам диний мутаассиблик, фундаментализм ва экстремизм асосида келиб чиқувчи террорчиликнинг халқаро миқёсда кенг тарқалишига қарши олиб бориладиган ғоявий, мафкуравий ва маънавий-маърифий кураш усулларини ишлаб чиқиш мамлакатимиз фалсафа фанининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

3.Террорчиликка қарши кураш, энг аввало, кўп жиҳатдан диний мутаассиблик ва фундаментализмга қарши самарали кураш билан боғлиқ, чунки диний мутаассиблик, фундаментализм, экстремизм ва террорчилик ўз тарихий-ижтимоий келиб чиқиши, баъзи жузъий жиҳатлари билан бир-бирларидан маълум даражада фарқ қилсалар ҳам, улар умумий бир занжирнинг халқаларидир. Диний фундаментализм ва экстремизм мавжуд экан, террорчилик хавфи ҳамма вақт сақланиб қолади.

4. Террорчиликнинг глобаллашуви нисбатан жиддий жараён бўлиб, унинг турли мамлакатларда намоён бўлишининг умумий томонлари билан бирга, алоҳида жиҳатлари ҳам мавжуд. Гарчи террорчилик турли ҳудудларда бир-биридан нисбатан фарқ қилувчи ижтимоий-сиёсий, ғоявий ва мафкуравий жараёнлар тақозоси билан намоён бўлаётган эса-да унинг глобаллашуви сабабларининг умумий томонлари, энг аввало, диннинг сиёсатлашувидир. Чунки сўнгги йилларда террорчилик ва диний экстремизм глобаллашувининг муштарак (параллел) ривожланиши жараёни кузатилмоқда.

Тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги тавсия ва таклифлар берилди:

1.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги сайтларида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг терроризмнинг хавфсизлик ва барқарорликка таҳдиди кўлами, вужудга келишида ғоявий манба бўлиб хизмат қилувчи диний мутаассиблик, фундаментализм, экстремизмнинг моҳияти ҳақидаги методологик ва назарий асос бўлиб хизмат қилувчи асарлари, турли халқаро ташкилотлар анжуманларидаги баёнотлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида сўзлаган нутқларига бағишланган махсус саҳифа яратиш.

2.Барча таълим тизимида ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантиришни босқичма-босқич амалга ошириш тизимли дастурларини ишлаб чиқиш лозим. Бу дастур бир неча босқичдан иборат бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида Ватанга муҳаббат туйғусини алоҳида шакллантиришга қаратилган дастурлар, мактабларда барча фан соҳаларида инсоният цивилизациясида ўзбек халқи маданий меросининг тутган ўрнини очиб берувчи, дастлабки тасаввурларни шакллантиришга қаратилган дастурлар, олий таълим тизимида эса, ушбу омилларни илмий-назарий асослаш ва бунда талаба-ёшларнинг ўзини илмий тадқиқотларга жалб этиш дастурлари билан характерланади.

3.Глобал ахборот маконида ахборот хавфсизлигини таъминлаш куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Шу маънода ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий асосларини нафақат бир давлат, балки халқаро миқёсда яратиш ғоявий хуружларнинг олдини олишга маълум даражада имкон яратади.

4. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ахборот қидирув тизимлари учун ягона ахборот этикаси талабларини ишлаб чиқиш лозим. Масалага бундай ёндашув ёшларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш имконини, ахборот тарқатишда ёки уни қабул қилишда ғоявий иммунитетни шакллантириш учун замин яратади.

5.Ўтмишда инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонларимизнинг ҳаёт-ижодини тарихий манбалар асосида ўрганиш бўйича Давлат илмий дастурлари, лойиҳалар ишлаб чиқиш, тарихий фактлар асосида бадиий фильмлар яратиш ҳамда кино-фото ҳужжатларнинг алоҳида шу мавзуга бағишланган ахборот базасини шакллантириш ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик каби туйғуларни шакллантиришда муҳим ғоявий ва маънавий манбадир.

6. Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида диний бағрикенглик ва халқлараро ҳамжиҳатлик ғоялари ҳамда уларнинг диний фундаментализм ва терроризмга қарши курашдаги ғоявий аҳамиятига бағишланган махсус сайт ва ҳафталик илмий-оммабоп телекўрсатувлар яратиш лозим. Унда қуйидаги саҳифалар ўз аксини топиши керак:

–Исломий қадриятлар – Қуръони карим, ҳадиси шариф ҳамда фиқҳда диний бағрикенгликнинг ақидавий ва ҳуқуқий масалалари акс этганлигини манбалардан келтирилган парчалар мисолида кўрсатиш.

–Ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий меросидаги диний бағрикенглик ва халқлараро ҳамжиҳатлик ғоялари таҳлили ҳамда улар яратган асарлардан хрестоматик маълумотлар келтириш лозим.

–Марказий Осиё мутасаввифлари ахлоқий қарашларида динлараро мурасасозлик масалаларини Марказий Осиёда шаклланган тариқатлар–хожагон-нақшбандия, яссавия, кубравия каби тасаввуф таълимотларининг маънавий мероси хусусида маълумот берувчи ўрта асрлар қўлёзма ва тошбосма манбалари асосида очиб бериш ва соҳа мутахассисларининг илмий тадқиқотларини мунтазам эълон қилиб бориш. Муқаддас ислом дини фундаментализм, экстремизм ва терроризм билан ҳеч қачон муроса қилмаганлиги ва уни ёт ҳамда зарарли ғоя сифатида рад қилганлиги илмий далиллар асосида ёритилиши мақсадга мувофиқ.

7.Халқ ҳокимиятчилиги ва ўзини ўзи бошқариш тизимида, хусусан, маҳаллада терроризмнинг турли кўринишларига қарши кураш чора-тадбирлари алоҳида ёндашувни талаб этади. Маҳаллада истиқомат қилувчи турли ижтимоий қатлам вакилларининг ўзига хос эҳтиёжлари, қадриятлари, меъёрлари, тушунчалари, турмуш тарзи мавжуд. Шу маънода маҳаллада миллатлараро муносабатларда ўзаро тотувлик, ҳамкорлик, дўстлик, интеграция, бағрикенглик тамойилларига асосланган байналмилал муҳитни шакллантириш масала ечимига ижобий таъсир этади.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

### Монографиялар, китоблар, ўқув қўлланмалари ва туркум нашрлар

1. Сафарова Н.О. Терроризм: манбалар, мақсади, глобаллашув жараёни (тарихий-фалсафий таҳлил). (Монография) –Т.:Фан, 2006.–191 б.

2. Сафарова Н.О. Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихининг диний экстремизм ва фундаментализмга қарши курашдаги аҳамияти.– Т.:Фан, 2005.– 98 б.

3. Сафарова Н.О. Хожагон тариқати. –Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2003. – 68 б.

4. Сафарова Н.О. Терроризм (тарихи-фалсафий таҳлил). (Монография)– Т.:NOSHIR,2009.–240 б.

### Журнал мақолалари

5. Сафарова Н.О. Терроризм – хавфсизлик ва барқарорлик кушандаси //Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2004.–№2.–Б. 21–23.

6. Сафарова Н.О. «Террор» ва «терроризм» тушунчаларининг фалсафий моҳияти // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2005. –№1(3) –Б.33–35.

7. Сафарова Н.О. Террорчилик глобаллашувининг баъзи сабаблари //Халқаро муносабатлар.–Тошкент, 2005. –№1 –Б.35–40.

8. Сафарова Н.О. Марғиноний таълимотида диний бағрикенглик //Жамият ва бошқарув.-Тошкент, 2005.–№1 –Б.54–56.

9. Сафарова Н.О. Абдуҳолиқ Ғиждувоний маънавий меросининг диний экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги ғоявий аҳамияти //ЎзМУ хабарлари.– Тошкент, 2005.№2-Б.43-45.

10. Сафарова Н.О. Террористик феномен // Халқ таълими. –Тошкент, 2004. –№1.–Б.96–101.

11. Сафарова Н.О. Терроризм: турлари ва шакллари // Халқ таълими.– Тошкент, 2004.–№3 –Б. 17–19.

12. Сафарова Н.О. Эл-юрт манфаати йўлида // Мулоқот. Тошкент, 2004.– №4 .–Б. 46–47.

13. Сафарова Н.О. Мутафаккирлар дунёқарашида уруш ва тинчлик масалаларининг назарий-фалсафий асосланиши (Марказий Осиёда XIV-XV асрлар мисолида) // Фалсафа ва ҳуқуқ.–Тошкент, 2006. –№2 –Б. 56–58.

14. Сафарова Н.О. «Террор» ва «терроризм» тушунчаларининг фалсафий моҳияти //Фалсафа ва ҳуқуқ.–Тошкент, 2005.–№1 – Б.33–33.

15. Сафарова Н.О. Миллатчилик ва миллатчилик терроризми // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2005. –№2 –Б.16–20.

16. Сафарова Н.О. Хожагон тасаввуфий таълимотининг диний фундаментализм, фанатизмга қарши курашдаги аҳамияти // Шарқшунослик.– Тошкент, 2005.–№1–Б.130–137.

17. Сафарова Н.О. Терроризм: глобаллашуви ва зиддиятлар //Илмий тадқиқотлар ахборотномаси.–Самарқанд, 2005 –№4 –Б.16–20.

18. Сафарова Н.О. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик // Жамият ва бошқарув (махсус сон). 2006.–Б.123–125.

19. Сафарова Н.О. Терроризм: вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва ижтимоий- ғоявий илдизлари // Фалсафа ва ҳуқуқ. –Тошкент, 2008.– Махсус сон. –Б. 28–30.

20. Сафарова Н.О. Социальная доктрина некоторых религиозных течений //Вопросы гуманитарных наук.– Москва, 2007.–№ 6 (33).–С. 79–82.

21. Сафарова Н.О. Общесоциальные истоки террора//Актуальные проблемы современной науки (информационно-аналитический журн.). –Москва, 2007. –№ 6 – С. 83–86.

22. Сафарова Н.О. Насилие как социально-политический феномен современности. // Вопросы гуманитарных наук. –Москва. 2007 –№ 6 (33). –С. 312–315.

23. Сафарова Н.О. Терроризм.Насилие. Деструктивность.//Вопросы гуманитарных наук. –Москва, 2010. –№ 1 (45).–С. 247–250

24. Сафарова Н.О. Терроризм как политический феномен.//Вопросы гуманитарных наук. –Москва, 2010. –№ 1 (45).–С. 254–256.

25. Safarova N.O. Terror. Violense. Destructive.//Вопросы гуманитарных наук. –Москва, 2010.–№ 1 (45).–С. 251–253.

26. Safarova N.O. Terrorism how political phenomenon.//Вопросы гуманитарных наук. –Москва, 2010.–№ 1 (45).–С. 257–259.

27. Safarova N.O. Terror.Violense. Destructive. // Iternftional Journal of akademik Research.–Baku, 2010.–№3.–pp.41–43.

28. Safarova N.O. Terrorism as a political phenomenon. // Iternftional Journal of akademik Research. –Baku, 2010.–№3.–pp.44–46.

## КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

29. Сафарова Н.О. Миллий истиқлол мафкураси //Мустақил Ўзбекистон фалсафа фанларининг долзарб муаммолари мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. ФА И.Мўминов номли фалсафа ва ҳуқуқ институти.– Тошкент, 2002.–Б. 95–96.

30. Сафарова Н.О. Марказий Осиёда тасаввуф таълимоти шаклланишининг ижтимоий-маънавий асослари //Профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг XVI илмий-амалий конференция материаллари.–Навоий, 2002. –Б. 6–8.

31. Сафарова Н.О. Ижтимоий ҳаёт ва мафкура // Ижтимоий ҳаёт ва мафкура Илмий мақолалар тўплами.– Бухоро, 2002.–Б.11–14.

32. Сафарова Н.О. Ғоявий бўшлиқ оқибатлари // Демократик жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси: Ҳудудий илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2003.–Б.17–19.

33. Сафарова Н.О. Ислом ва бунёдкорлик //Демократик жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси:Ҳудудий илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий 2003.–Б. 48–50.

34. Сафарова Н.О. Хожагон тариқатининг ирфоний-фалсафий негизлари // Абдулхолиқ Ғиждувоний ва тасаввуф: Халқаро симпозиум материаллари. – Тошкент, 2003.– Б.13–14.

35. Сафарова Н.О. Исломий манбаларда диний бағрикенгликнинг баъзи ақидавий масалалари // Хожагон тариқатининг Абдулҳолиқ Ғиждувоний маънавияти тарихидаги ўрни: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2003. –Б. 32–37.

36. Сафарова Н.О. Тасаввуфда сўз одоби ва муомала маданияти // Хожагон тариқатининг Абдулҳолиқ Ғиждувоний маънавияти тарихидаги ўрни: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2003.–Б. 78–80.

37. Сафарова Н.О. Ҳурфикрлик тамойили ижтимоий ҳодиса сифатида // Хожагон тариқатининг Абдулҳолиқ Ғиждувоний маънавияти тарихидаги ўрни: Республика илмий-амалий конференция материаллари.–Навоий, 2003.–Б. 94–96.

38. Сафарова Н.О. Соғлом ғоя тарбиясида дискуссиянинг ўрни // Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларнинг услуб ва воситаларидан фойдаланиш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2004. –Б.110–111.

39. Сафарова Н.О. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг айрим интерфаол усуллари // Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларнинг услуб ва воситаларидан фойдаланиш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари.–Навоий, 2004. –Б. 20–22.

40. Сафарова Н.О. Иброҳим Мўминов асарларида хожагон тариқатининг таҳлили.//Академик И.Мўминовнинг 95 йиллик юбилейига бағишланган Республика илмий-амалий семинари материаллари. I китоб–Бухоро,2004.–Б. 36–40.

41. Сафарова Н.О. Жомий ва Алишер Навоий ижтимоий қарашларида бағрикенглик ва муроса устуворлиги //Академик И.Мўминовнинг 95 йиллик юбилейига бағишланган Республика илмий-амалий семинар материаллари. II китоб.–Бухоро, 2004. Б– 75–77.

42. Сафарова Н.О. Терроризм тушунчасининг ижтимоий-фалсафий таҳлили //Мафкура – буюк келажак пойдевори. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2004. –Б. 18–21.

43. Сафарова Н.О. Хавфсизлик ва барқарорлик жамият тараққиётининг мезони //Мафкура – буюк келажак пойдевори: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2004. –Б. 63–69.

44. Сафарова Н.О. Талабалар онгига «мафкуравий профилактика» тушунчаларини сингдиришнинг педагогик асослари //Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва унинг истиқболлари мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2004 йил. –Б. 183–185.

45. Сафарова Н.О. Ижтимоий барқарорлик ва ижтимоий адолат мезонлари //Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ва ривожлантиришда сиёсий маданиятнинг ўрни ва роли: Минтақавий илмий-амалий конференция материаллари. –Самарқанд, 2004 йил. –Б. 18–20.

46. Сафарова Н.О. Таълим тизимида жисмоний ва маънавий етуклик уйғунлиги. // Таълим тизимида спортни ривожлантиришнинг долзарб психологик-педагогик муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2005. –Б. 9–10. (Р.Раҳмонов билан ҳаммуаллифликда.)

47. Сафарова Н.О. Глобал терроризм ва унинг геосиёсий ўлчами // Глобал терроризм ва унинг геосиёсий ўлчами: Республика илмий-назарий конференция материаллари. 1-китоб.–Навоий, 2005. –Б. 18–21.

48. Сафарова Н.О. Диний бағрикенглик ғоялари фанатизм ва терроризмга қарши курашда ғоявий манба сифатида // Глобал терроризм ва унинг геосиёсий ўлчами: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. 2-китоб.–Навоий, 2005.–Б. 68–71.

49. Сафарова Н.О. Террорчиликнинг глобаллашуви ва кенг кўламда тарқалиши // Ўзбекистонда жамиятни модернизация килишнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2005. –Б. 167–168.

50. Сафарова Н.О. Таълимий технология ва мафкуравий профилактика //Замонавийлик контекстида педогогика фани ва унинг методологик муаммолари:Республика илмий-амалий конференцияси материаллари–Тошкент, 2005. –Б.179–181.

51. Сафарова Н.О. Ислом ниқобидаги терроризм ва унинг маънавий қиёфаси.//Дўстни ғанимдан ажратмоқ зарур:Илмий тўплам.–СамДУ, 2005.–Б.15–26.

52. Сафарова Н.О. Биологический терроризм. // Ўзбекистон Республикаси биологик хилма-хилликнинг экологик муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2006. –Б. 256–257.
53. Сафарова Н.О. Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашларида ҳамжиҳатлик ғояларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили //Ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига бағишланган илмий-услубий семинар: –Навоий, 2006.
54. Сафарова Н.О. Инқилобий ўзгаришлар ва фрейдизм //Профессор–ўқитувчиларнинг XXI илмий амалий конференция материаллари. –Навоий, 2006. –Б. 73–76.
55. Сафарова Н.О. Жамият барқарорлиги ва иқтисодий терроризм масалалари //Халқаро ҳуқуқ ва конституцион нормаларнинг уйғунлиги: илмий-амалий анжуман. –Тошкент, 2006 йил. –Б. 43–46.
56. Сафарова Н.О. Алишер Навоий қарашларида жамият барқарорлиги ва ҳамжиҳатлик масалалари // Алишер Навоий – буюк донишманд ва мутафаккир: Илмий-амалий конференция материаллари.–Навоий, 2007. –Б. 7–12.
57. Сафарова Н.О. Таълим тизимида ғоявий-мафкуравий тарбиянинг инновацион усуллари //Таълим тизимида талаба ёшларнинг ғоявий-мафкуравий тарбияси ва уларнинг уйғунлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари.–Самарқанд, 2007.–Б. 87–89.
58. Сафарова Н.О. Хожагон ва нақшбандия тариқатларининг силсилавий боғланиши ҳамда кенг тарқалишида Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ўрни //Ориф Деггароний Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси: Республика илмий-назарий конференция материаллари.–Навоий, 2007 йил, –Б.36–41.
59. Сафарова Н.О. «Мажмаъ ал-аркам» қўлёзма асарида «Ҳазора» атамаси //Ориф Деггароний Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси мавзуидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари.–Навоий 2007.–Б. 57–60.
60. Сафарова Н.О. Мутасаввифлар диний-ирфоний қарашларининг диний экстремизм ва терроризмга қарши ғоявий курашдаги ижтимоий-маънавий аҳамияти //Ориф Деггароний Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси: Республика илмий-назарий конференция материаллари.–Навоий, 2007.–Б.61–64.
61. Сафарова Н.О. Ислом ниқобидаги терроризм ва унинг маънавий қиёфаси (ижтимоий-фалсафий таҳлил) //Профессор-ўқитувчиларнинг XXII илмий амалий конференция материаллари.–Навоий, 2007. –Б.110–112.
62. Сафарова Н.О. Ўзбекистонда халқаро террорчиликка қарши курашда миллий мафкуранинг аҳамияти. //Ўзбекистон Конституцияси – инсон манфаатларининг ҳуқуқий асоси: илмий-назарий конференция материаллари.–Тошкент, 2007. –Б. 27–29.
63. Сафарова Н.О. Темурийлар даври ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида жамият барқарорлиги ва адолат мезони // Миллатнинг дардига дармон бўлайлик: Илмий конференция материаллари. –Тошкент, 2007. –Б. 15–26. Р.Рахмонов билан ҳаммуаллифда
64. Сафарова Н.О. Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро коалицияда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли // Профессор-ўқитувчиларнинг XXIII илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2008. –Б. 18–19.
65. Сафарова Н.О. Биотерроризм и глобальная сеть производства // XXI асрда фалсафа ва ижтимоий тараққиёт: Илмий конференция материаллари. II қисм. –Тошкент, 2008. –Б. 83–85.
66. Сафарова Н.О. Микробиология и экологическая безопасность общества // Келгуси авлодлар учун табиатни асрайлик: Минтақавий илмий-амалий конференция материаллари.–Навоий, 2008. –Б. 23–25.

67. Сафарова Н.О. Терроризмнинг глобаллашуви ва ижтимоий ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш масалалари // Аёллар ва ёшлар маънавияти: Илмий-назарий анжуман материаллари.–Бухоро, 2008.–Б. 72–74.
68. Сафарова Н.О. Глобаллашув жараёнида жамият барқарорлигини таъминлашда комил инсон ғоясининг аҳамияти // Глобаллашув ва ёшлар: толерантлик ва миллий ўзликни англаш: Республика илмий-амалий анжумани материаллари.–Тошкент, 2008.–Б. 211–214.
69. Сафарова Н.О. «Хилват дар анжуман» ва «Дил ба ёру, даст ба кор»нинг диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашдаги маънавий ва ижтимоий аҳамияти // Фалсафа ва тасаввуф: Республика илмий-амалий семинари материаллари. –Бухоро, 2008.–Б. 308–311.
70. Сафарова Н.О. Бобурнинг давлатчилик фаолиятида жамият барқарорлиги ва юрт тинчлиги масалалари // Заҳириддин Муҳаммад Бобур – буюк давлат арбоби ва қомусий олим: Илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2008.–Б. 9–13.
71. Сафарова Н.О. Глобаллашув жараёнида жамият барқарорлигини таъминлашда комил инсон ғоясининг аҳамияти // Глобаллашув ва ёшлар: толерантлик ва миллий ўзликни англаш: Республика илмий-амалий анжумани материаллари.–Тошкент–Бухоро, 2008. –Б. 211–214.
72. Сафарова Н.О. «Хавфли деструктив» агрессия ва унинг намоён бўлиш ҳолатлари // Ўзбекистон мустақиллиги шароитида фалсафа таълими ва фаннинг равнақи: Илмий-назарий конференция материаллари, - Навоий, 2009. – Б.81–86.
73. Сафарова Н.О. Терроризм оммавий тус олишининг тарихий шарт-шароитлари // Профессор–ўқитувчиларнинг XXIV илмий-амалий конференцияси материаллари. –Навоий, 2009. –Б.25-27.

Фалсафа фанлари доктори илмий даражасига талабгор Сафарова Нигора Олимовнанинг 09.00.03. – Фалсафа тарихи ихтисослиги бўйича «Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили» мавзусидаги диссертациясининг

**Р Е З Ю М Е С И**

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** террор, терроризм, халқаро терроризм, глобал терроризм, фундаментализм, экстремизм, оммавий террор, мутаассиблик, миллатчилик терроризми, ислом дини ниқобидаги терроризм, бағрикенглик, диний бағрикенглик, муроса, ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик.

**Тадқиқот объектлари:** Террор ва терроризмнинг генезиси ва эволюцияси хусусида мутахассисларнинг илмий-назарий асарлари.

**Ишнинг мақсади:** Террор, терроризм ҳодисалари ва уларга қарши курашни жаҳон файласуфлари таълимотлари асосида тарихий–фалсафий таҳлил этиш.

**Тадқиқот методлари:** Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, экзистенционал ёндашув каби усулларига таянилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** а)тарихий-фалсафий ва қиёсий таҳлил қилиш асосида «террор», «терроризм» тушунчаларнинг мазмуни конкретлаштирилди, уларнинг илмий таърифига аниқлик киритилди; б) «террор»нинг инсоният ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги эволюцияси кўрсатилди; в) ғарб ва шарқ мутафаккирлари умуминсоний ғояларига асосланиб терррористмнинг потенциал сабабларига (агрессия, зўрлик, конфликтлар, бегоналашув, худбинлик, эгоизм, нафс)ғоявий курашни аҳамияти асослаб берилди; г)Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашда халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, нуфузи ҳамда Ватанимиз осойишталиги ва барқарорлигини таъминлашда «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат» тамойили муҳим аҳамият касб этиши илмий-назарий таҳлил асосида ёритиб берилди.

**Амалий аҳамияти:** республикамизда халқаро террорчиликка қарши курашнинг мафкуравий, ғоявий, маънавий-маърифий масалалари бўйича берилган таклиф ва тавсиялар, ўртага ташланган фикр-мулоҳазалардан экстремизм, терроризм, унинг глобаллашуви жараёнига қарши курашда маънавий-маърифий тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, Миллий ғоя ва миллий мафкура илмий-амалий маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида фойдаланиш мумкин.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Тадқиқот натижаларидан республика вилоятлар маънавият-тарғибот марказларининг тарғибот ва ташвиқот ишларида, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги таълим- тарбия жараёнида, «Фалсафа», «Диншунослик», «Фалсафа тарихи ва назарияси», «Сиёсатшунослик» фанларидан ҳамда «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» ўқув курсларига оид ўқиладиган маърузаларда фойдаланилади.

**Қўлланиш соҳаси:** Илмий-назарий изланишларда, ижтимоий фанларни ўқитишда, уюштириладиган мулоқот, давра суҳбатлари ҳамда ёшларни мустақиллик, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларда ғоявий иммунитетни шакллантиришда, комил инсонни вояга етказиш билан боғлиқ бўлган маънавий-маърифий ишларда, оммавий ахборот воситалари, тарғибот ва ташвиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари муаллифнинг монографиялари ҳамда мақолаларида оммалаштирилган.

**Р Е З Ю М Е**

диссертации Сафаровой Нигоры Олимовны на тему: «Историко-философский анализ борьбы с терроризмом» на соискание ученой степени доктора философских наук по специальности 09.00.03 – История философии.

**Ключевые слова:** террор, терроризм, международный терроризм, глобальный терроризм, сепаратизм, фундаментализм, религиозный фундаментализм, экстремизм, глобализация терроризма, массовый террор, фанатизм, националистический террор, терроризм под прикрытием религии ислам, толерантность, религиозная толерантность, компромисс, согласие, межнациональное согласие.

**Объекты исследования:** научно – теоретическое исследование представлений ведущих специалистов по проблеме террора, генезиса и эволюции терроризма.

**Цель работы:** На основе учений философов мира провести историко-философский анализ явлений террора, терроризма и борьбы с ним.

**Методы исследования:** объективность, исторический и логический метод, сопоставительный анализ, системный и экзистенциальный подход и другие общенаучные методы познания.

**Полученные результаты и их новизна:** а) на основе историко-философского и сопоставительного анализа конкретизировано содержание понятий «террор», «терроризм», уточнено их научное определение; б) показана эволюция «террора» в процессе социально-политического развития человечества ё) разработаны историко-философские принципы борьбы с терроризмом; в) обосновано значение идейной борьбы по проблемам выявления потенциальных причин терроризма ( агрессия, применение силы, насилие, конфликты, отчуждение, эгоизм); г)обоснованно место и престиж Узбекистана в международном сообществе в борьбе с терроризмом, а также важность принципа. «Против идеи только идеей, против мысли только мыслью, против невежества только просвещением» в обеспечении мира и стабильности в Узбекистане.

**Практическая значимость:** предложения и рекомендации могут быть применены в идеологической и духовно-просветительской работе направленной на борьбу с международным терроризмом в республике; могут быть использованы в подготовке и проведении духовно-просветительных мероприятий по борьбе с экстремизмом, терроризмом и его глобализацией, а также в деятельности Центров духовно-просветительской работы, Научно-практического центра национальной идеологии и духовности, в работе правоохранительных органов.

**Степень внедрения:** результаты исследования использованы в деятельности центра духовности и просвещения, учебно-воспитательном процессе высших учебных заведений ; в лекционных и семинарских занятиях по учебным дисциплинам «Философия», «Религиоведение», «История и теория философии», «Политология», «История политических и просветительских учений», «Духовно-просветительские основы борьбы с религиозным экстремизмом».

**Область применения:** результаты исследования могут быть использованы в научно-теоретических исследованиях, в преподавании общественных дисциплин, в мероприятиях, направленных на воспитание молодёжи в духе идеи независимости, в работе по формированию в ней идеологического иммунитета, в духовно – просветительской работе по воспитанию гармонично развитого поколения, в пропагандистской деятельности средств массовой информации. Результаты исследования отражены в монографиях и статьях автора.

## R E S U M E

Thesis of Nigora O.Safarova's on the scientific degree competition of the doctor of philosophical sciences on speciality 09.00.03 – History of Philosophy, subject: «Historical and Philosophical analysis of the struggle against terrorism»

**Key words**: terror, terrorism, international terrorism, global terrorism, separatism, fundamentalism, religious fundamentalism, extremism, globalization of terrorism, mass terror, fanaticism, nationalistic terror, terrorism as a kind of religious islam, tolerance, religious tolerance, compromise, agreement, mutual respect.

**Objects of research**: investigation of native and foreign scientists, mass media information and Internet sites on the essence of terror and terrorism and also the historico-philosophical analysis of the ideas of religious collaboration, international agreement expressed in the works of thinkers and scientists of Central Asia; ideas of religious tolerance expounded in Koran – the main treasury of islam.

**Aim of the work:** using the historical and philosophical analysis to show terror from the moment of its appearance till nowadays as a criminal one from the point of view of politics and law; as an anti-humane one from the moral and spiritual points of view, and a groundless phenomenon for all progressive people from the ideological point of view.

**Methods of research:** based on objectivity, system, succession, comparative analysis, analysis and synthesis, generalization, history, logic and other principles of scientific knowledge.

**The results achieved and their novelty:** a) on the basis of historico-philosophical and scientific analysis the contents of the concept of «terror» and «Terrorism» has been concretized and its scientific definition has been verified; b) on the basis of logical arguments the insolvency of the islamists' definition of terroristic movement has been proved and the place in the improvement of the relations between religions and the ideas of religious tolerance and international agreement in the world outlook of Central Asian thinkers and their ideological significance in the struggle against religious fundamentalism, fanaticism and other defects have been systematically investigated; c) the role and the prestige of Uzbekistan in the world community, struggling against terrorism and also the importance of the principle: «Against an idea there is only an idea, against a thought there is only a thought, against ignorance there is only knowledge» in achieving peace and stability in Uzbekistan have been substantiated.

**Practical value:** proposals and recommendations on ideological and educational questions in the struggle against international terrorism in the Republic and the opinions proposed in the nation-wide discussion can be used while preparing for all kinds of ideological and educational measures aimed at the struggle against extremism, terrorism and its globalization, and also in the activities of the Centre of Ideological Education, in the Scientific-practical centre of national ideology, and in law-governed Institutions.

**Degree of embed and economic effectivity:** the investigation results can be used in the activity of the Regional Centre of Ideological Education, in the educational process of the Institute, in the work of the «Akhborot» group at the Institute, in lectures on such subjects as «Philosophy», «Religions Studies», «History and Theory of Educational studies», «Ideological and Educational foundations of the struggle against religious extremism.

**Sphere of usage:** can be used in scientific and theoretical investigation; in teaching Social Sciences; in talks, dialogues and in other activities aimed at educating young people in the spirit of national independence, at cultivating in them ideological immunity; in all kinds of ideological and educational activities aimed at bringing up harmoniously developed generation; in Mass media propaganda work.